Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◊ TOŞKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1996 йил 27 март, чоршанба • № 24 (10.799) • Эркин нархда сотилади

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ – ЎзА МУХБИРИ БИЛАН СУҲБАТИ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ — ЎзА МУХБИРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВДАН МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ МАМЛАКАТЛАРИДАГИ ИНТЕГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ РИВОЖИ БИЛАН БОҒЛИҚ БИР НЕЧА САВОЛГА ЖАВОБ БЕРИШНИ ИЛТИМОС ҚИЛДИ.

САВОЛ: Кейинги пайтларда айрим мамлакатлар матбуот саҳифалари ва телевидениесида собиқ СССР ҳудудидаги, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо бўлган мамлакатларнинг чуқур интеграцияси тўғрисида давлатлараро шартномалар имзоланишга тайёрланаётгани ҳақида турли-туман фикрлар тез-тез такрорланиб турибди. Сизнинг бу хусусдаги фикрингизни билишни истар эдик.

ЖАВОБ: Ҳақиқатан ҳам, кейинги пайтларда собиқ совет ҳудудидаги давлатларнинг интеграцияси тўғрисида, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ўз умрини яшаб бўлди, энди интеграциянинг янги моделини яратиш лозим, деган мазмунда жуда кўп гапириляпти. Айрим кишилар ҳозирнинг ўзидаёқ бу мўлжалланаётган бирлашма ва давлатлараро ташкилотларнинг номларини ҳам топиб қўйган.

Бу гапларни Беларусь Президенти ўртоқ А. Г. Лукашенконинг чиқишлари, нутқларидан эшитганда, агар бир барчамиз шошилинч равишда интеграция билан шуғулланмасак, дарҳол Россия атрофида бирлашмасак, ҳолимиз вой бўлади, келажагимиз, мамлакатимизнинг тараққиёти барбод бўлади, деган таассурот туғилади. Ҳеч ким, бирор давлат мустақил равишда яшаб қололмайди, ўз муаммоларини ҳал этолмайди, бўҳрондан чиқолмайди, деган баёнотларни доимо эшитиб турамиз. Гўё Европа ва бошқа жойларда биз ҳеч кимга керак эмасмиз, нажот фақат тезроқ бирлашишда ёки бугунги кун тили билан айтадиган бўлсак, интеграцияда эмиш. Дастлаб давлатлараро иқтисодий ва гуманитар асосда чуқур интеграцияга эришсак, кейинчалик... қандайдир «конфедерациями, федерация иттифоқи деган, собиқ СССРдан ҳам мустаҳкамроқ бирор уюшма»га етишувимиз ҳеч гап эмас эмиш.

Яна бир гап: бугунги айрим суверен давлат раҳбарлари ўзига, худо кўрсатмасин, собиқ СССРнинг барбод бўлишида иштирок этган, деган айб қўйилишининг олдини олишга уринади.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидаги айрим раҳбарлар интеграция ёки турли-туман иттифоқлар барпо этиш тўғрисидаги янги ташаббусларни дам-бадам кўтариб турмаса, хумори босилмайди.

Шуниси ғалатики, айрим раҳбарлар ўз номидан, айтайлик, ўз республикаси номидан эмас, албатта, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига бирлашган барча мамлакатлар номидан гапиришга ҳаракат қилади. Гўёки, уларга барчанинг номидан гапириш ҳуқуқи берилгандек.

Бироқ бу халқлардан ҳар бирининг муайян тафаккур тарзи, руҳияти, кайфияти қандайлиги, бу муаммоларга муносабати, улар ўз келажагини қандай тасаввур этаётгани хусусида ўйлаб кўриш уларнинг етти ухлаб ҳам тушига кирмайди.

САВОЛ: Сизнинг фикрингизча, бундай ташаббусларни қандай изоҳлаш мумкин?

ЖАВОБ: Бундай «ўта фаоллик»ни, ўзбекча қилиб айтганда, ҳовлиқмаликни фақат шундай изоҳласа бўлади:

Биринчидан, барчанинг назарида бўлиш, ўзини нафақат ўз халқининг, балки қачонлардир СССР таркибида бўлган бошқа республика ва халқларнинг ҳам манфаатлари учун қуюнадиган киши сифатида кўрсатиш, кўз-кўз қилиш истаги.

Иккинчидан, менимча, бу энг муҳими ҳам — ўз фуқаролари ва жамоатчиликнинг диққатини мамлакатдаги кескин муаммолардан чалғитиш, бошқа йўл тополмаслик, истасангиз, буткул ночорлик белгисидир.

Аслида бу ерда баҳснинг ўзига ўрин йўқ: интеграция керак, мен ҳатто интеграциянинг ўзигина эмас, умумий мақсадларга эришиш, барча халқларнинг фаровонлиги йўлида бор куч ва имкониятларни бирлаштириш учун шарт-шароит яратадиган кооперация керак, деб айтган бўлардим.

Бироқ интеграция оқилона бўлмоғи лозим. Аввало, бундай интеграция учун тегишли шарт-шароит яратилиши зарур. Яъни, менинг қатъий фикрим шундан иборатки, интеграция, энг аввало, ўз салоҳияти, ўз кучи ва имкониятларига суянган ҳолдагина, ўзаро фойдали шериклик қилиш учун қурби етгандагина, такрор айтаман, ўзаро фойдали кооперация вужудга келиб, бундан барча манфаатдор томонлар наф кўрганидагина амалий натижа бериши мумкин.

Боқимандаликка асосланган уринишлар, ўз муаммоларини бошқалар ҳамда уларнинг ресурслари ҳисобига ҳал қилишга умид боғлаш, мажозий қилиб айтганда, ёвғон шўрва ҳаммага баравар тортиладиган қуроқ дастурхон муҳайё этишга интилишлар биз учун мутлақо мақбул эмас. Энг муҳими шундаки, бундай интеграция эркимизни, мафкурасидан, дунёнинг қайси қитъасида жойлашганидан қатъи назар, биз муносабат ўрнатган шериклар билан алоқаларимизни чеклаб қўймаслиги керак.

Бундан ташқари, интеграциянинг янги модели, бугунги кунда турли минбарларда тез-тез такрорлаб турилганидай, қандайдир ҳарбий-сиёсий блок тузиш мақсадига хизмат қилмаслиги лозим.

САВОЛ: Сизнинг назарингизда интеграция жараёнларини шакллантиришга асос бўла оладиган принципиал ҳоллар нималардан иборат бўлиши мумкин?

ЖАВОБ: Биз давлатлар ўртасидаги интеграция ва кооперация қуйидаги бешта шартга асосланиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан, интеграцияга ихтиёрий қўшилиш; бунда давлатлар тўла тенг ҳуқуққа эга бўлиши керак. Суверенитет ва давлат мустақиллиги тўла сақланиб қолиши зарур.

Иккинчидан, ҳар бир мамлакатда ўтказилаётган ислоҳотлар бир йўналишда ва бир-бирига монанд бўлиши лозим. Назаримизда, сиёсий ва иқтисодий янгиланишларнинг, қонунчилик ва ҳуқуқий асоснинг турли босқичида турган давлатларнинг интеграциялашуви мумкин эмас.

Учинчидан, ҳар бир давлат, энг аввало, ўз салоҳиятига суяниши лозим. Интеграция ва кооперация жараёнларини чуқурлаштиришдан барча аввало ўзаро, бир-биридан манфаатдор бўлиши керак. Боқимандалик кайфиятининг барча кўринишларига, бировнинг ҳисобидан бошқаларнинг муаммосини ҳал этиш ниятларига барҳам берилиши шарт. Қудратли Россия бошқаларни елкасига ўтқазиб, бало-қазолардан бир амаллаб олиб ўтади, деган хомхаёлга учмаслик керак.

Тўртинчидан, интеграция жараёнларини суғъий равишда жадаллаштиришга ҳам йўл қўйиб бўлмайди, интеграция шунчаки интеграция учун эмас, ўзини кўрсатиш, популистик ва бошқа сиёсий мақсадлар учунгина эмас, энг аввало, биз номи ва фикри билан ҳар бир ҳатти-ҳаракатимизни ниқобламоқчи бўлаётган халқларнинг фаровонлиги учун амалга оширилиши лозим.

Бешинчидан, интеграция жараёнларига мафкуравий тус бериш оқибатида давлатлар устидан қуриладиган парламентлараро, ҳукуматларо қўшма тузилмаларни ташкил этиш, бу жараённи иқтисодий интеграция жараёнларидан олдин қўйиш ҳамда иқтисодий алоқаларнинг холисона амалга оширилишига зўғум қилиш мутлақо номақбулдир.

Аравани отдан олдинга қўйиб бўлмаганидек, сиёсатни ҳам иқтисодиётдан олдинга қўйиб бўлмайди.

Интеграция деб аталаётган бундай ҳодисанинг куч ишлатадиган, зўравонлик усуллари бизга мутлақо тўғри келмайди. Бунинг қандай оқибатга олиб келиши тўғрисида гапириб ўтиришнинг ўзи ортиқча.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

Чигит экишга саноқли кунлар қолди

ТЕХНИКА ТАЙЁРМИ?

БАҲОРнинг биринчи ойи ҳам тугаб боряпти. Кунлар исий бошлади. Уста ва тадбиркор деҳқонлар мўлжалдаги майдонларга эртаги сабзавот экишни жадаллаштирмоқдалар, боғ-роғларда ҳам иш қизғин.

Пахтакорлар енг шимариб, астойдил меҳнат қила бошладилар. Бу йил ўтган йилдагидек 108 минг гектар майдонга чигит экиладиган. Мана шу майдон учун етарли уруғлик чигит деярли тайёрлаб қўйилди. Мавсумнинг муваффақиятли ўтиши кўп жиҳатдан техникаларнинг қай даражада созлаб қўйилганлигига боғлиқ. Бу соҳада аҳвол қандай?

Бу йил вилоят бўйича жами 12 минг трактор шайланиши керак эди. Ҳозиргача салкам 9 минг трактор мавсумга тахт қилиб қўйилди. Бу соҳада Ўртачирчиқ тумани деҳқонлари пешқадамлик қилмоқдалар. Улар яхши билишадики, иш бошидан пухта бўлса, экиш ишлари муваффақиятли ўтса, қолган тадбирларни бажариш ҳам анча осон кечади.

Лекин, умуман олганда вилоят бўйича техникаларнинг тайёргарлиги ҳар жиҳатдан яхши деб бўлмайди. Чигит экишнинг бошланишига саноқли кунлар қолди.

Аллақачонок экиш сеялкалари тайёр бўлиши керак эди. Лекин, ҳозиргача вилоят бўйича 87 фоиз экиш сеялкалари тахт қилинди, холос. Айниқса, Бекобод, Бўка, Янгийўл туманлари бу соҳада орқада қолмоқдалар.

Ғалла мустақиллиги учун курашда янги ютуқларни қўлга киритишга астойдил бел боғлаган ғаллакорларимиз ўтган йили белгиланган майдонларнинг асосий қисмига кузда уруғлик сепиб қўйган эдилар. Умуман олганда ҳозир ғалланинг ҳолати анча яхши. Лекин, иссиқлик етарли бўлмаганлиги сабабли бирмунча суст ривожланаётганлигини ҳам айтиш керак. Биринчи озиқлантириш ўтказилди. Бу экин ривожланишини янада тезлаштириш учун эса яна бир озиқлантириш талаб этилади.

Лекин, энг муҳими, ҳосил пишиб етилгач, уни ўриб-йиғиб оладиган техникалар шай бўлиши зарур. Афсуски, бу соҳадаги аҳволни ҳам қониқарли деб айтолмаймиз. Вилоятдаги мавжуд 526 та ғалла ўриб-йиғадиган комбайнлардан атиги 277 таси тайёр.

Айниқса, Оҳангарон, Паркент, Юқоричирчиқ, Қибрай туманларида бу иш жуда суст боряпти.

Пахтачилик, ғаллачилик ва бошқа соҳаларда техниканинг аҳамияти, шубҳасиз, беқиёсдир. Шунинг учун ҳам мавжуд техникаларни бекаму-кўст тайёрлаб қўйиш чораларини кўриш шарт.

Шундай экан, фурсатни бой бермаслик, мавжуд резервлар, имкониятларни ишга солиб, техникаларни ҳар жиҳатдан шай қилиб қўйиш шу куннинг долзарб вазифасидир.

СУРАТДА: Ўртачирчиқ туманидаги «Гулистон» халқ корпорациясида ҳар йилдагидек бу йил ҳам техникалар барвақт мавсумга тахт қилиб қўйилди.

Р.ШАМСУДДИНОВ олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЭКСПОРТГА МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КОРХОНАЛАРНИ РАҒБАТЛАНТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Тайёр маҳсулот (хизматлар)нинг ташқи бозорларга кириб боришига кўмаклашиш, шунингдек экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарга кредит бериш механизмини яратиш мақсадида:

1. 1996 йил 1 апрелдан бошлаб товарларга уларнинг товар ишлаб чиқарувчилар томонидан чуқур ишланишига боғлиқ равишда бож пошлиналарининг табақалаштирилган ставкалари белгилансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, корхоналар фойдаси (даромади)дан олинадиган солиқ ставкаси;

ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг умумий ҳажмида экспорт улуши 5 фоиздан 10 фоизгача бўлганда — 20 фоизга;

ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг умумий ҳажмида экспорт улуши 10 фоиздан 20 фоизгача бўлганда — 30 фоизга;

ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг умумий ҳажмида экспорт улуши 20 фоиздан 30 фоизгача бўлганда — 40 фоизга;

ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг умумий ҳажмида экспорт улуши 30 фоиз ва ундан кўп бўлганда — 50 фоизга камайтирилади.

3. Белгилаб қўйилсинки, ҳисобот йили якунлари бўйича корхоналар томонидан товарлар (ишлар ва хизматлар) экспорти ҳажмлари ўсишидан олинган эркин алмаштириладиган валютадаги тушум фойда (даромад)дан олинадиган солиқ тўлашдан озод қилинади.

4. 1996 йил 1 апрелдан бошлаб экспорт қилувчи корхоналар экспорт қилинувчи товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш учун фойдаланган моддий ресурслар учун кўшилган қиймат солиғи суммасини тўлашдан озод қилинсин.

5. Экспорт қилинадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш учун зарур техник-иқтисодий асослашлар мавжуд бўлган тақдирда уч йил муддатга махсус фоизсиз заёмлар бериш тавсия этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Марказий банк билан биргаликда экспорт қилинадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун махсус фоизсиз заёмлар манбалари ҳақида таклиф киритсин.

7. Мазкур фармоннинг 2, 3, 4, 5-бандларида назарда тутилган имтиёзлар воситачи ташкилотларга, шунингдек экспорт қилинадиган хом ашё: пахта толаси, линт, нефть, нефть маҳсулотлари, электр энергияси, газ конденсати, табиий газ, қимматбаҳо, рангли ва қора металлар, ип-калава ишлаб чиқарувчи корхоналарга татбиқ этилмайди.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 17 июндаги ПФ-872 сон Фармонининг 2, 3, 4, 5, 6-бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

икки ҳафта муддатда мазкур Фармон қоидаларига мувофиқ бож пошлиналари ставкаларини тасдиқласин;

икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги таклифларни тайёрласин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1996 йил 20 март.

«ЎЗДЭУАВТО» ИШГА ТУШДИ

Мустақил Ўзбекистон тарихида янги саҳифа очилди - 25 март куни Андижон вилоятининг Асака шаҳридаги «ЎзДЭУавто» Ўзбекистон- Корея қўшма корхонасида «Дамас» микроавтобуслари ишлаб чиқаришга мўжалланган линия ишга тушди.

Республикадаги биринчи автомобил заводи ва ҳозирча Марказий Осиё давлатларидаги бундай ягона корхона Президент Ислом Каримов ташаббуси ва саъй-ҳаракатларининг натижасидир. Президентимиз Ислом Каримов Корея Республикасига ташрифи чоғида жаҳонга машҳур «ДЭУ» корпорацияси раҳбариятини Ўзбекистонда енгил автомобиллар ва микроавтобуслар ишлаб чиқарадиган қўшма корхона қуришнинг мақсадга мувофиқлигига ишонтира олган эди. 1993 йилнинг апрель ойида Асакадаги собиқ трактор тиркамалари ишлаб чиқарадиган завод ускуналарини кўчириш бошланди, ноябр ойида эса «ЎзДЭУавто»да бўлажак автомобилсозлик заводининг улкан мажмуини барпо этишга киришилди.

Ўша йили давлатимиз бошлиғи Жанубий Корея корпорациясининг президенти жаноб У Жун Ким билан биргаликда янги қурилишни бориб кўрди. Хорижий сармоядорлар шу ернинг ўзида ўз маблағларини ишончли ишга сарфлаганига, ёш давлатимиз қўшма корхона ривожланиши учун тўла кафолат беришига қаноат ҳосил қилдилар.

Мана энди, салкам уч йиллик вақт ичида Асака шаҳрида энг янги технология ва машина-ускуналар, жумладан, ҳозирча собиқ Иттифоқдаги бирорта давлатда ҳам қўлланилмаётган техник роботлар билан жиҳозланган замонавий автомобилсозлик корхонаси қурилди. «ЎзДЭУавто» Ўзбекистон-Корея лойиҳасининг умумий қиймати ярим миллиард АКШ долларидан ҳам кўпроқ баҳоланмоқда.

«Дамас» ишлаб чиқариш линияси бир йилда уч хил кўринишдаги микроавтобуслардан 50 мингта ишлаб чиқаришга қодир. Бу йил охиригача 11 мингдан ортиқ «Дамас» тайёрлаш назарда тутилмоқда. Шу йилнинг ёзида «Тико» ва «Нексия» енгил автомобиллари ишлаб чиқарадиган линиялар ҳам ишга туширилади. Биринчи линия йилига 50 мингта, иккинчиси эса 100 мингта енгил автомобил тайёрлашга қодир. Бу автомобиллар қоят тежамли ҳисобланади. Масалан, «Тико» ҳар юз километр масофага этиғи 4 литр бензин сарфлайди.

Аҳоли зич жойлашган минтақада, яъни Фарғона водийси вилоятлари туташган жойда йирик автозавод қурилиши «ЎзДЭУавто» заводининг ўзида икки минг кишини доимий иш билан таъминлабгина қолмай, Асака заводининг бутловчи узеллари ва деталларини тайёрлаш юзасидан буюртмаларни бажарадиган бошқа корхоналарда 50 мингдан ортиқ янги иш жойлари барпо этишга имкон берди. Андижон вилоятининг ўзидагина Корея фирмалари билан ҳамкорликда 4 та қўшма корхона барпо этилди.

Автозаводни қуриш жараёнида маҳаллий ёшларнинг катта бир гуруҳи Корея Республикаси корхоналарида таълим олиб, иш ўрганди. Бўлажак ёш автомобилсозлар — асосан Фарғона водийсидаги қишлоқлар ва кичик шаҳарларда яшовчи кишилар чет элга бориб, ўзлари учун янги касбни ўзлаштирибгина қолмай, бошқа мамлакатлар маданиятидан ҳам бахраманд бўлиб, хорижий тилларни ўзлаштириб олдилар.

Шу кунгача «ДЭУ» Корея корпорациясига қарашли ўқув марказлари ва корхоналарда 800 нафарга яқин асакалик автомобилсозлар таълим олиб, тажриба ўрганди. Ҳозир эса яна 500 йигит у ерда билимларини ошириб, янги кўникмалар ҳосил қилмоқда. Йил охиригача эса яна 300 дан кўпроқ ҳамюртимиз таълим олиш учун Корея Республикасига боради.

Минтақада ёрдамчи тармоқларни барпо этишда «ЎзДЭУавто» янги қўшма корхонаси қўшган ҳиссани алоҳида таъкидлаш керак: Асакада янги автомобил йўллари, темир йўл линияси, меҳмонхоналар ва пансионатлар, коттежлар, газ ва сув қувурлари, электр кичик станциялари ва электр линиялари қурилди, бутун маҳаллий аҳоли эҳтиёжларига хизмат қиладиган алоқа линиялари барпо этилди.

***

Шу куни «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасида «Дамас» микроавтобусларини йиғадиган биринчи технология линияси ишга туширилиши муносабати билан тантанали митинг бўлди. Митингни Андижон вилояти ҳокими К.Обидов очди.

Республика Бош вазири Ў. Султонов улкан автомобил корхонасини барпо этишда иштирок этган кишиларни Ўзбекистон иқтисодий ҳаётидаги бу муҳим воқеа, меҳнат ғалабаси билан табриклади.

Тантанали митингда Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков иштирок этди.

(ЎзА).

ХИЗМАТ КЎРСАТА БОШЛАДИ

НАВРЎЗ арафасида Олмаликда қатор савдо, маиший хизмат кўрсатувчи корхоналар фойдаланишга топширилди. Улар орасида янги савдо мажмуи ўзининг ҳажми катталиги билан ажралиб туради. Унда дўкондан ташқари умумий овқатланиш шахобчаси ҳам бор.

Турли-туман саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари савдоси майдони сал кам икки юз квадрат метрни ташкил этади. Унинг бир неча бўлимига қўйилган юзларча хил кенг истеъмол буюмларидан истаганингизни харид қилишингиз мумкин. Бундан ташқари, унинг ҳудудида уч юз тўқсон икки квадрат метр саҳнли зиёфат зали бор. У тўйлар ва бошқа шу каби кўпчилик иштирокида ўтказиладиган хурсандчиликлар учун мўлжалланган.

Янги савдо мажмуи шаҳар аҳолисига хизмат кўрсата бошлади.

БОБОМИЗ АМИР ТЕМУРНИ ЭСЛАБ...

БОБОМИЗ Амир Темур таваллуди кенг нишонланадиган кун яқинлашгани сари ул буюк зотнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган турли хил тадбирлар, илмий анжуманлар, оммабоп йиғинлар кўпайиб бормоқда.

Ана шундай тадбирларнинг навбатдагиси Оққўрғон туманидаги 23-ўрта мактабда бўлиб ўтди. Танлов иштирокчилари бўлган ўн биринчи синф ўқувчилари Шавкат Элчибоев, Наргиза Аҳмедова, Фарида Абдурахмоновалар ўзлари тайёрлаган дастурни намойиш этишди. Амир Темур ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи манбалардан намуналар ўқишди. Саҳна асарларидан парчалар ижро этишди. Жамоа хўжалиги бошқаруви танлов фаоллари ва ғолибларини муносиб тақдирлади.

Дониёр КАМОЛОВ.

МИҲДАН ТОРТИБ ГИЛАМГАЧА БОР

Агар йўлингиз Бўка шаҳрига тушиб, савдо расталарини айланадиган бўлсангиз, басавлат кўркам бино пештокига «Элёр Э. Э.» деб ёзиб қўйилган савдо дўконига кўзингиз тушади. Беихтиёр ичкарига кирасиз.

Пештахталарни кундалик зарур рўзғор буюмлари, харидоргир маҳсулотлар билан тўлдириш бирмунча қийин бўлиб турган ҳозирги шароитда миҳдан тортиб гиламгача, жами 300 дан ортиқ маҳсулотнинг савдога қўйилганлиги эътиборингизни тортади. Беихтиёр бозор шароити қийинчиликларини рўкач қилиб, зарур маҳсулотларни ўз вақтида етказиб бермаётганларнинг бўлар-бўлмас баҳоналарини эсга олиб, «қилса бўлар эканку!» деб юборасиз.

Икки йил муқаддам хусусийлашган бу савдо тармоғида ҳозир 17 нафар киши меҳнат қиляпти. Харидоргир маҳсулотларни излаб топиш, улар талабини ўрганиб, иш юритилаётганлиги натижасида бир ойлик айланма пул маблағи бир миллион сўмдан ошиқ бўляпти. Бу эса хизматчиларнинг ойлик маошини кўпайтириш, тижорат фаолиятини кенгайтириш имконини бермоқда.

Ҳасан БАҲРОМОВ.

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИККА КЕНГ ЙЎЛ

БОЗОР иқтисодиётига ўтилаётган ҳозирги вақтда тадбиркорликни ривожлантириш, бу ишга кенг аҳоли табақаларини жалб қилиш муҳим вазифа бўлиб қолди. Республикамиз Президенти Ислом Каримов халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқида буни яна бир бор алоҳида таъкидлаб, шундай деди: «Ўрта, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини яхшилаш асосидагина иқтисодиётимизнинг барқарор тараққиётига эришишимиз, халқимизнинг фаровон ҳаётини таъминлашимиз мумкин... Биз ана шундай кичик, аммо самарали соҳани ривожлантирмас эканмиз, кўзлаган мақсадимизга етиш қийинлашади».

Бутун мамлакатимиздаги каби вилоятимизда ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга эътиборнинг тобора кучаяётганлиги, бундай тузилмаларнинг самарали фаолият кўрсатишлари учун қулай имкониятлар яратиб берилаётганлигининг сабаби ҳам шундадир. Ҳозирнинг ўзидаёқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида дуруст натижаларга эришилди, бу соҳада эл оғзига тушаётган ишбилармонлар сафи ортиб бормоқда.

Газетанинг учинчи саҳифасида берилаётган материалларда ана шулар ҳақида ҳикоя қилинади.

УМИДЛИ ИСТИҚБОЛ ЎЛКАСИ

Жануби-шарқий Осиёдаги Ҳиндихитой ярим оролида жойлашган Вьетнам кейинги йилларда иқтисодий ривожланишда эришаётган ютуқлари билан кўпчилик эътиборини ўзига жалб этмоқда. Бу мамлакат раҳбарияти қарийб ўн йил муқаддам амалга ошира бошлаган «Доймои», яъни иқтисодий янгиланиш сиёсати билан боғлиқ.

Вьетнам 329,6 минг квадрат километр ҳудудга эга. Мамлакат аҳолиси айни пайтда 72,5 миллион нафардан ошди.

Мамлакат маъмурий-ҳудудий жиҳатдан 52 та вилоятга, марказга бўйсунувчи уч шаҳарга (Ханой, Хайфон, Хошимин) бўлинган.

Вьетнамликлар қадимдан турфа истилоларни бошдан кечирганлар. 1945 йил 2 сентябрдагина мамлакат истиқлолга эришди ва Вьетнам Демократик Республикаси ташкил топди. Бироқ, мустамлакачиларнинг ҳаракатлари оқибатида мамлакат парчаланиб кетган даврлар ҳам бўлди. Вьетнам халқининг озодлик, бирлик сари олиб борган курашлари натижасида мамлакат Миллий Кенгаши 1976 йилнинг 2 июль куни ярим оролда ягона Вьетнам Социалистик Республикаси барпо этилганини эълон қилди.

1992 йилнинг апрелида қабул қилинган Конституцияга мувофиқ, давлат ҳокимиятининг олий органи 5 йилга сайланган ягона палатали Миллий Кенгаш ҳисобланади. Вьетнам Президент бошқарувидаги давлатдир. Айни пайтда Ле Дик Ан мамлакат Президентидир.

Яқин-яқинларгача Вьетнам жаҳондаги энг қашшоқ мамлакатлардан бири эди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маълумотларига қараганда, 10 йил муқаддам мамлакат аҳолисининг 70 фоизи қашшоқликда кун кечирган. Айни пайтда бу кўрсаткич 51 фоизни ташкил этмоқда. Вужудга келган вазият мамлакат раҳбариятини иқтисодий ислоҳотлар йўлини тутишга мажбур этди. Вьетнам раҳбарларидан бири бозор иқтисодиётининг икки томонини ҳам жуда ўткир шамширга ўхшатар экан, ундан эҳтиётлик билан фойдаланиш зарурлигини қайд этган эди. Дарҳақиқат, Вьетнамнинг иқтисодий бозор ислоҳотларини амалга оширишида дастлаб хатоликлар ҳам бўлди. 1986 йилда пухта тайёргарлик кўрмасдан ўтказилган пул ислоҳоти миллий валютанинг кескин қадрсизланишига олиб келди. 1986 йилда инфляция 700 фоизни ташкил этган бўлса, кўрилган чора-тадбирлар натижасида 1993 йилда пул қадрсизланишини 5 фоизга туширишга муваффақ бўлинди.

Вьетнамдаги ислоҳотларнинг асосий мақсадларидан бири саноатни ташкилий жиҳатдан қайта қуриш заминида иқтисодиётни барқарор ривожлантиришдан иборат. Шу боис мамлакатга хорижий сармоялар, янги технологиялар олиб келишга катта аҳамият берилаётир. Мамлакатда савдо бутунлай эркинлаштирилди. Давлат фирмалари хорижлик сармоядорлар билан биргаликда қўшма корхоналар ташкил эта бошлади. Кейинги беш йил ичида давлат корхоналарининг сони қарийб ярмига қисқарди. Вьетнамликлар савдо компаниялари фабрикалар, банклар, ресторанлар, замонавий дўконлар оча бошладилар. Биргина Хошимин шаҳрининг ўзида 1988 йилда бор-йўғи 22 та хусусий фирма рўйхатдан ўтган бўлса, айни пайтда уларнинг сони қарийб 3 мингтага яқинлашиб қолди.

Хорижлик сармоядорларга яратилган шарт-шароит чет эл сармоясининг мамлакатга оқиб келишини кўпайтирмоқда. Вьетнамга 1 миллиард 914 миллион доллар миқдорда сармоя киритган Тайланд бу борада биринчи, Гонгконг, Жанубий Корея эса иккинчи, учинчи ўринларни эгаллаб турибди. Кейинги йилларда Вьетнамда Япония сармояларининг ҳиссаси айниқса ортиб бормоқда. Бунинг оқибатида ялпи ички маҳсулот йилига 8 фоиздан кўпроқ ошишига эришилаётир. 1995 йилда эса бу кўрсаткич, 9,5 фоизни ташкил этди.

Вьетнам аҳолисининг 70 фоиздан ортиқроғи қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилади. Шу боис қишлоқ хўжалигининг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни ғоят каттадир. Экспорт қилинган маҳсулотларнинг 50 фоиздан зиёдроғи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳиссасига тўғри келади.

1980 йилларнинг бошларида ҳукумат коллективлаштиришдан воз кечиб, деҳқонларга ерга эгалик қилиш ва ортиқча маҳсулотни бозорда эркин нархда сотишга имкон яратди. Ҳозир қишлоқ хўжалиги соҳасида давлат хўжаликларининг сони атиги 4 фоизни ташкил этади, холос. Ана шу ислоҳотлар натижасида ғалла, шоли, қаҳва, чой, мева ва сабзавот етиштиришда анча ўсишга эришилди.

1993 йилда ишлаб чиқарилган ялпи миллий маҳсулот аҳоли жон бошига 200 долларни ташкил этди. Ҳукумат 2000 йилгача бу кўрсаткични 450 долларга етказишни режалаштирмоқда. Бунинг учун Вьетнамга қарийб 40 миллиард доллар миқдорида сармоя зарур бўлади. Ҳукумат бу маблағларнинг ярмини ички имкониятлардан, қолганини эса тўғридан-тўғри хорижий сармоялар, чет эл кредит ва ёрдамлари ҳисобидан яратишни режалаштираётир. Сўнгги беш йил ичида мамлакат ялпи миллий маҳсулоти бир ярим баробарга ўсди, аҳолининг харид қобилияти эса икки баробар ошди, экспорт уч карра қўпайди.

Вьетнам ҳукумати энергетика захираларини кўпайтиришга алоҳида эътибор бермоқда. Хорижликлар билан ҳамкорликда айни пайтда йилига 6 миллион тонна нефть қазиб олинаётган бўлса, аср охиригача бу кўрсаткични 20-25 миллион тоннага етказиш мўлжалланяпти. Бу рақамларнинг барчаси журналистлар таъбири билан айтганда, Вьетнамнинг «Осиё йўлбарс»ларидан бирига айланиш имкониятлари мавжудлигини, умидли истиқбол юрти эканини тасдиқлайди.

Вьетнам Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йилнинг 27 декабрида тан олди. 1992 йилнинг 16-17 январь кунлари ВСР Бош вазирининг махсус вакили, Ташқи ишлар вазири ўринбосари Нгуен Зи Ниен раҳбарлигидаги Вьетнам ҳукумат делегацияси мамлакатимизда расмий сафарда бўлди. Ушбу ташриф чоғида икки мамлакат ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилгани ҳақидаги қўшма ахборот имзоланди. Ана шундай қилиб, Ўзбекистон билан Вьетнам ўртасидаги азалий алоқалар янги асосда ривожланиш босқичига қадам қўйди.

1993 йилда мамлакатимизда Вьетнам элчихонаси, шунингдек ВСРнинг савдо-иқтисодий вакиллиги иш бошлади. Икки мамлакат ўртасида 1994 йилда савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битим, 1995 йилда эса, ҳаво йўлини очиш тўғрисидаги битим имзоланган. Алоқа тармоқлари ривожланмаганига қарамай, сўнгги икки йил ичида Ўзбекистон билан Вьетнам ўртасидаги маҳсулот айирбошлаш қарийб етти баробар ошди. Мамлакатимиз Вьетнамга экспорт қилган маҳсулотларнинг асосий қисмини шойи хомашёси ва электр ускуналар ташкил этади.

Ўтган йили мамлакатимизда дастлабки икки Ўзбекистон-Вьетнам қўшма корхонаси рўйхатга олинди. Улардан бири тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва савдо воситачилиги билан шуғулланса, иккинчиси шойи хомашёси ва пилла чиқиндиларини етказиб беради.

Жорий йил январида Ўзбекистон расмий делегациясининг Вьетнамга расмий ташрифи чоғида ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ҳамкорлик масалалари кенг муҳокама қилинди. Ўзаро музокаралар чоғида икки мамлакат савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш борасида катта имкониятларга эга экани таъкидланди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Вьетнамга пахта толаси, рангли металлар, машинасозлик, электротехника, авиация ва кимё саноати маҳсулотлари, минерал ўғитлар сотиши мумкин. Вьетнам томони эса, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик саноати маҳсулотлари етказиб беришга тайёр эканлигини изҳор этмоқда. Бундан ташқари, вьетнамлик мутахассислар ўзбек олимларининг электроника, юксак энергия физикаси, радиоизотоплар, биотехнология каби соҳаларда эришган ютуқларига катта қизиқиш билдирмоқдалар. Малакали кадрлар тайёрлаш, тиббий тадқиқотлар ўтказиш, касалликларга қарши курашда ҳамкорлик қилиш ҳам ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатиш мумкин бўлган соҳалардандир.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг шу йил 27-29 март кунлари Вьетнамга ташрифи икки мамлакат ўртасидаги мавжуд имкониятларни рўёбга чиқариши, Ўзбекистон ва Вьетнам халқлари ўртасидаги азалий дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини янги босқичга кўтариши шубҳасиздир.

Амирқул КАРИМ. (ЎзА).

Расмий ташриф арафасида

Вилоят ҳокимлигида

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

ВИЛОЯТ ҳокимлигида ҳуқуқ идоралари ходимларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Минтақавий бу анжуманда Тошкент шаҳри, Тошкент, Сирдарё, Жиззах вилоятлари прокурорлари, уларнинг ўринбосаралари, транспорт прокуратураси ходимлари мазкур ҳудудлардаги шаҳар ва туманлар прокуратура, адлия ходимлари ва суд раислари, халқ судялари иштирок этдилар.

Йиғилишда республика бош прокурорининг ўринбосари, учинчи даражали давлат адлия маслаҳатчиси Ёқубжон Жамолов «1996 йил 29 февраль куни республика Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида Республика Президенти Ислом Каримовнинг сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг вазифалари тўғрисида» маъруза қилди.

Шунингдек, йиғилиш иштирокчилари Тошкент давлат юридик институти кафедра мудири, юридик фанлари номзоди М. Ю. Гасановнинг республиканинг «Меҳнат Кодекси» асосида «Меҳнат қилиш ҳуқуқини амалга ошириш кафолатлари: меҳнат шартномасини тузиш, ўзгартириш, бекор қилиш, меҳнат интизоми ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш» мавзуидаги маърузасини ҳам тингладилар.

Йиғилишда сўзга чиққанлар Президентимиз нутқидан келиб чиқадиган вазифалар асосида ҳуқуқ-тартиботни янада мустаҳкамлаш, ҳуқуқий саводхонликни ошириш, қонунларнинг амалда ишлашини таъминлаш, бир қатор маъмурий идоралар фаолиятларидаги рўй берган камчиликларни бартараф этиш юзасидан фикр-мулоҳазалар, таклифлар билдирдилар.

Шунингдек, улар республиканинг янги «Меҳнат Кодекси»да фуқаролар манфаатини, ҳуқуқларини муҳофаза этиш доираси кенгайганлигини, мазкур қонун мажмуи аввалгисидан мукаммаллиги билан алоҳида эътиборга лойиқлигини қайд қилдилар.

Саидвали ҲАСАНОВ.

Суратда: йиғилиш пайти.
Даврон АҲМАД олган суратлар.

Жамоатчилик фикр билдиради

ҚУЁШ НУРИНИ ЭТАК БИЛАН ТЎСИБ БЎЛМАС...

КЕЙИНГИ кунлар собиқ Иттифоқ ҳудудидаги мустақил республикалар халқлари қалбида катта ташвиш ва нотинчлик уйғотди. Бунга Россия давлат думаси депутатларининг 15-мартдаги собиқ СССРни тиклаш хусусидаги қарори, қолаверса, Беларусь Республикаси Президенти А. Г. Лукашенконинг Москвага яқинда икки бора қилган сафари ва ундан кейинги гап-сўзлари сабаб бўлди. МДҲ давлатлари ўртасидаги интеграция жараёнларини такомиллаштириш ва жадаллаштириш никоби остида МДҲ таркибига кирган айрим давлатлар ўртасида янги битим тузилиши интеграцияга янги туртки бўлади, уни тезлаштиради, деган «ғоялар» сўнгги кунларда авжига чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Миллий Ахборот Агентлиги мухбири билан суҳбатида юқоридаги воқеаларга муносиб баҳо берди. Юртбошимиз оқилона интеграциянинг қандай бўлишлигини чуқур таърифлаб, энг мақбул ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирувчи республикаларга ҳар томонлама тўғри келадиган тамойилларни асослаб берди. «Интеграция» деб аталаётган бундай ҳодисанинг куч ишлатадиган, зўравонлик усуллари бизга мутлақо тўғри келмайди, — деди давлатимиз бошлиғи. — Бунинг қандай оқибатга олиб келиши тўғрисида гапириб ўтиришнинг ўзи ортиқча».

Ҳа, мустақиллик бамисоли қуёш нуридир. Қуёш нурини этак билан тўсиб бўлмагани каби ундан бахраманд бўлаётган халқларни эндиликда мустабидлик даврига, турли хил иттифоқлар гирдобига тортиб бўлмайди... Бу кўп миллатли мустақил Ўзбекистон халкларининг қатъий фикридир. Тахририятимизга бўлаётган қўнғироқлар, келаётган мактублар шундан далолат бериб турипти.

ҚАТЪИЯН ҚОРАЛАЙМИЗ

РОССИЯ Федерацияси Давлат думасининг собиқ қизил империя — СССРни қайта тиклашга қаратилган қарори республикамизнинг барча меҳнаткашлари қатори бизни ҳам ғазабга келтирди. Ақли расо кишиларнинг ишига ўхшамайди, бу. Шундай шармандаларча, ҳеч қандай қонун-қоидага тўғри келмайдиган қарорнинг қабул қилиниши эски мустамлакачилик ғоясидан воз кечишни истамаётган депутатларнинг асл кирдикорларини яна бир бор очиб ташлади, жаҳон жамоатчилиги олдида шармандаю шармисор қилди.

СССРнинг барбод бўлиши туфайли унинг темир исканжасида бўғилиб ётган ўнлаб бошқа халқлар қатори ўзбек халқи ҳам озодликка чиқди. У эндиликда келажаги буюк давлатни барпо этиш йўлидан собиткадамлик билан олға бормоқда, асрлар давомида орзу қилиб, ниҳоят қўлга киритган мустақиллигини янада мустаҳкамлаш учун ҳормай-толмай қурашмоқда. У энди ҳеч вақт эски тоталитар тузумга қайтмайди, тобиб олган ўзига мос, ўзига хос йўлидан нурафшон истиқбол томон бораверади. БУ йўлдан уни ҳеч ким, ҳеч қандай куч, ҳеч қандай тазйиқ қайтаролмайди.

Энг ачинарлиси шундаки, дума ўзининг шундай хатти-ҳаракати билан мустақил давлатлар ҳамкорлиги мамлакатлари ўртасида энди шаклланиб келаётган интеграция қуртакларига ҳам тўсқинлик қилиши турган гап. Ваҳоланки, бу жараён барча мамлакатлар қатори Россия учун ҳам фойдадан ҳоли эмас-ку. Албатта, бунда тенг ҳуқуқлилик ҳукм суриши керак. Бизга давлатлар устида турувчи ҳар қандай тузилмалар ташкил этишни назарда тутадиган интеграция жараёни керак эмас.

Биз, мустақил Ўзбекистоннинг оддий фуқаролари Россия думаси қабул қилган қарорни қатъиян қоралаймиз, республикамиз раҳбариятининг шу қарор юзасидан баёноти ва қарорларини тўла қўллаб-қувватлаймиз.

Эркин БОЗОРОВ,
«Ангрен уй-жой қурилиши» ҳиссадорлик жамияти раиси.

МАНТИҚСИЗ ҚАРОР

ОЧИҒИ, биз қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ҳам Россия Федерацияси Давлат Думасининг собиқ СССРни тиклашга қаратилган 15 март куни Беловеж битимларини бекор қилиш ҳақидаги коммунистлар ташаббуси билан қабул қилган қарорини ташвиш ва катта ҳайратланиш билан эшитдик.

Ахир бу қандай бедодлик, қандай ўзбошимчалик, ўша эски тоталитар тузум даврида бошқа миллатлар устидан зуғум ўтказиш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини поймол этиб, ҳузур-ҳаловат билан кун кечиришга ўрганиб қолган бир гуруҳ корчаловларнинг ҳохишими бу?!

Йўқ, жаноблар, биз ўзбекистонликлар аллақачонок демократик ислоҳотлар, мустақил давлат қуриш йўлини танлаб олганмиз ва бу йўлдан дадил олга қараб бормоқдамиз.

Ахир, асрий орзуларимиз рўёбга чиқиб, қўқрагимизга шамол текканидан бошимиз кўкка етиб, бозор иқтисоди шароитида рўй бераётган ҳунча-мунча қийинчиликларни ҳам писанд қилмай, мақсад сари интиляпмиз. Ниятларимиз холис. Бу пок ниятларнинг амалга ошиши, Ўзбекистонимизнинг келажаги порлоқ ва буюклигига иймонимиз комилдир!

Энг муҳими, биз деҳқонлар, қишлоқ хўжалиги ходимлари эмин-эркин ишлаяпмиз. Ўз эркимизни ўзимизга қайтиб беришди. Ерга, мулкка ўзимиз эгалик қилаяпмиз. Нега энди эски тузумга қайтарканмиз? Жонимизга тегиб кетган эди-ку, ўша давр. Ўзимизча бир иш қилолмасдик. Режаларни, қаерга, қанча, нима экин экишни ҳам «айтиб» беришарди. Етиштирган маҳсулотимизга ўзимиз эгалик қилолмасдик. Пировард натижадан, меҳнатимиз самарасидан фойдалана олмасдик. Қисқаси, юқорининг чизиб берган чизигидан четга чиқолмасдик.

Бу биргина менинг эмас, далада, яйловларда, фермаларда тер тўкаётган, зўр меҳр, иштиёқ билан моддий бойлик яратаётган, мустақиллигимизни ўзларининг амалий меҳнатлари билан мустаҳкамлашга ҳисса қўшаётган пахтакор, галлакор, сабзавоткор, боғбон, чорвадор, қисқаси, ҳар бир қишлоқ хўжалиги ходимининг юрак сўзларидир, деб айтсам янглишмайман.

Қурбон ҚАЮМОВ,
«Тошкент» агрофирмаси қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифат бўйича бош давлат инспектори.

МИЖОЗЛАР КЎПАЙМОҚДА

Шу кунларда суғурта муассасаларида иш қизғин. Республика Президентининг «Аҳолининг омонатлардаги ва давлат суғуртаси бўйича пул маблағларини индексация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига биноан, фуқароларнинг 1992 йил 1 январь ҳолатига кўра ва 1996 йил 1 январгача амалда бўлган давлат суғуртаси муассасаларидаги ҳаёт, болаларни суғурта қилиш ва никоҳ куни бериладиган узоқ муддатли суғурта шартномалари бўйича бадалларни қайта рўйхатдан ўтказиш ва тегишли билдиришнома бериш ишлари ниҳоясига етказилмоқда.

— Биз билан шартнома тузган йигирма олти мингдан ортиқ фуқаронинг суғурта бадаллари индексация қилинади, — дейди Ангрен шаҳар давлат суғурта маҳкамаси бошлиғи У. Раззоқов. — Ҳозир тўрт мингга яқин фуқаро шу масалада мурожаат этди. Уларнинг ярмидан кўпроғига билдиришномалар берилди. Мазкур тадбир одамларни мамнун этиб, уларнинг давлат суғуртасига бўлган ишончини мустаҳкамлаяпти. Айни пайтда биз билан ҳаётни, болаларни, шунингдек, мол-мулкни суғурта қилиш истагида бўлганлар тобора кўпайиб бораётир.

Н. ДУШАЕВ,
ЎзА мухбири.

ҚОНУН ИШЛАМАС ЭКАН, ШАРТНОМА БАЖАРИЛМАЙДИ

Тошкент туманидаги «Тошкент» жамоа хўжалигида деҳқонлар ва истеъмолчилар ўртасида тузилаётган шартномалар қандай бажарилаётир?

ҲАР ҚАНДАЙ яхши иш, қўлга киритилган ютуқ, муваффақиятлар, табиийки, асосли ва яхши ниятдан, режадан бошланади. Айниқса, ҳозирги бозор иқтисоди шароитида қаерда, қайси вазифа, қайси лавозимда, қайси касбда ишламайлик режани пухта олмасак, панд еб қоламиз. Бу гаплар, айниқса, деҳқонларимизга, кўпроқ моддий бойлик яратувчиларга дахлдордир.

Шукрки, ҳозирги пайтда деҳқонларимиз анча эмин-эркин ишлайдиган бўлиб қолдилар. Ерга, мулкка эгалик қилмоқдалар: пудратчи, ижарачи, фермер сифатида фаолият кўрсатмоқдалар. Улар ўзлари етиштирган маҳсулотларнинг бир қисмини ўзлари тасарруф қилсалар, маълум қисмини хўжаликка, ўюшмага етказиб берадилар. Бунинг учун хўжалик маъмурияти билан маслаҳатлашадилар, келишадилар. Маъмурият, мана бу турдаги маҳсулотдан шунча миқдорда етказиб берасиз, деб таклиф қилади. Деҳқон имкониятини ҳисобга олиб, унга рози бўлади. Ана шу тариқа маъмурият билан деҳқон, фермер ўртасида ички шартнома вужудга келади. Бу ички шартномалар умумлаштирилиб чиқилади ва хўжалик етиштирадиган жами ҳосил — маҳсулотини ҳисобга олиб, истеъмолчи ташкилотлар, корхоналар билан ўзаро шартнома тузади.

Демак, деҳқоннинг харидори маълум. Энди у астойдил ишга киришса бўлади. Ҳар йили шу аҳвол деярли қайтарилади. Лекин, минг афсуски, хўжалик билан истеъмолчилар ўртасида не-не умидлар билан тузилган шартномалар тўла-тўкис бажарилмайди, ўлда-жўлда қолиб кетади. Бу муаммо шу тариқа умумий касалликка айлана боради. Шунинг учун ҳам Президентимиз яқинда бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамасидаги ўтган йил иш якунлари ва навбатдаги вазифаларга бағишланган мажлисда сўзлаган нутқида **«Бизда шартномалар мазмун моҳиятига кўра хўжа кўрсинга тузилиш анъанага айланиб қолди»** деб ҳақли равишда таҳқид қилдилар.

Хўш, яна шундай бўлмоқда? Бунинг учун ким айбдор?!

Биз бу саволга жавоб олиш учун Тошкент туманидаги «Тошкент» жамоа хўжалигида бўлиб, хўжаликнинг фаолияти, тузилган шартномаларнинг қандай бажарилаётганлиги билан қизиқдик.

— Ҳақиқатан ҳам шартноманинг аҳамияти катта, — деди жамоа хўжалиги раиси Маҳамаджон Усмонов, — унга тўлиқ риоя этилса, кўнглинг тўқ, хотиржам ишлайсан. Лекин, ўтган йили биз қарам учун шартнома тузмадик. Чунки, харидор топилмади. ОРКлар эса керак эмас, олмаймиз, дейишди. Уларни ҳам тушуниш қийин эмас. Чунки, уёқ-буёққа юбориш қийин бўлиб қолди, транспорт харажати қиммат-лашиб кетди. Шунинг учун ўтган йили етиштирган карамимизни ўзимиз харидор топиб, бозорда сотдик.

Ўтган йили хўжаликда 4274 тонна сабзавот тайёрланди. Шундан 3700 тоннаси бозорлар ва ташкилотлар орқали халққа етказиб берилди. Истеъмолчи билан тузган шартномаларимиз ҳам бор. Бусиз мумкин эмас, албатта! Биз ҳар йилдагидек Янгийўл, шунингдек, Янги Тошкент консерва заводлари билан шартнома туздик. Афсуски, тўғрисини айтиш керак, бу шартномаларнинг бажарилиши биз деҳқонларни қониктирмади. Аксинча, ранжитди. Масалан, Янги Тошкент консерва заводи билан тузилган шартнома бўйича биз ўзлар 600 тонна сабзавот, жумладан, 500 тонна помидор етказиб беришимиз керак эди. Биз ваъданинг уддасидан чиқдик. Лекин, улар...

Бу гаплардан сўнг биз тегишли маъмурий идоралар томонидан ишлаб чиқилган ва мутасаддилар томонидан маъқулланиб, махсус қарор билан тасдиқланган шартноманинг мазмуни ва уларнинг бандлари моҳияти билан танишиб, уларга қандай амал қилинаётганлиги билан қизиқдик.

Ана шу бандларнинг бирида истеъмолчи оладиган маҳсулоти учун олдиндан, яъни ҳосил пишиб етишлиши арафасида бу маҳсулотга тўланадиган ҳақнинг 25 фоизини хўжалик ҳисобига ўтказиши шарт, дейилган. Лекин, улар бу ҳақни ўтказмасдан туриб, маҳсулотни олиб кетишга келишди. Нима қилиш керак? Қуруқ қайтариб юборса бўладими? Деҳқонларнинг боши қотиб, икки ўт орасида қолади, бундай пайтда. Помидорлар теримлиги, яшчиклларга жойланиб, дала бошига олиб чиқиб қўйилган. Йўқ дейишса, истеъмолчилар кетворишади, помидор эса пайкалда қолиб кетади. У озмунча маҳсулотми?! Бир-икки кунда эплаб бўлмайди. Ўз-ўзидан маълумки, турган жойида ирийди, чирийди ва нобуд бўла бошлайди. Шунинг учун ночор аҳволда қолган деҳқонлар, тақин бургага ачиқ қилиб кўрпани қуйдириб қўймайлик, деган мулоҳазага боришади-да, маҳсулотларини насиянга бўлса ҳам бериб юборишади. Шартноманинг тузилишидаги биринчи қадам ана шундай бошланади. Бу қадам иккинчи бузилишга олиб келади.

Хўп, майли, насиянга олиб кетишга кетишди. Энди бошқа бир бандга амал қилишса-ку, яхши бўларди. Бу бандда истеъмолчи маҳсулотни олиб кетгач, ҳар беш кунда ана шу маҳсулот қийматининг маълум қисмини хўжаликка ўтказиб туриши зарур, деб айтилган. Минг афсуски, бу банд ҳам бажарилмайди. Яна ўша баҳона: пул йўқ, ўзимиз қарзмиз. Шундай қилиб, сентябрь ойида топширилган помидор ҳақи йил охиригача чўзилади. Ахир, бу қанақаси бўлди? Сентябрда-ку, бир килограмм помидор нархини ўртача бир сўмдан баҳолаб топширган эдилар. Шундай ҳам бозорга нисбатан анча арзон нархда берилган маҳсулотга ўша пайтда хисоб-китоб қилинганда эди 553 минг сўм пул олган бўлардилар. Ярим миллион сўмдан ошиқ бу пулга ўша пайтдаги нарх-наво ҳисобидан деҳқон ўзи учун зарур анча-мунча нарсаларни харид қилган, эҳтиёжига ишлатган, орзу-ҳавасига сарф қилган бўларди. Афсус, орадан тўрт ой вақт ўтиб кетгач, истеъмолчи ўша пулнинг ҳисоб-китобини қилди. Ваҳоланки, бу вақт ичида нарх-наво ўзгарди, қимматлашди. Деҳонга жабр бўлмайдими? Бунга ким жавоб беради?

Буни қарангки, шартномада бу муаммони ҳам озми-кўпми ечиш назарда тутилган экан. Истеъмолчи тайёрловчига, яъни деҳқонга топширган маҳсулотига пулни ўз вақтида ўтказмаганлиги учун ана шу насия пулнинг-сумманинг беш фоизи миқдорида жарима, бундан ташқари муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун белгиланган муддатда тўланмаган сумманинг 0,1 фоизи миқдорида пения тўлаши керак эди. Ана энди ҳисоблайлик. Жарима пули тахминан 30 минг сўм, пения пули 70 минг сўм, жами 100 минг сўм бўлар экан. Бу пул ундирилса, 10—15 деҳқонга ойлик маош бўларди-ку! Бу ҳам деҳқонни чўмичда қоқиш эмасми? Деҳқонларнинг норози бўлаётганликларининг сабаби мана, қаерда? Улар ҳайрон бўлишади. Нахотки истеъмолчилар шунчалик «камбағал» бўлиб қолишган бўлса. Бунга ишонгимиз келмайди. Нега, дейсизми? Мана, оддий хисоб-китоб. Етти килограмм помидордан бир килограмм томат пастаси чиқади: 7 сўм. Энди бу сумма ёнига сарф-харажат, ишлаб чиқариш, ускуналарни ишлатганлик ва бошқа харажатларни қўшайлик. Борингки ана шунда бир килограмм томат 14—15 сўмга айлансин. Ахир, истеъмолчилар уни 29—30 сўмдан сотишяпти-ку. Орадаги фарқ — осмонча. Тўрт баравар. Нахотки, ана шу фарқнинг бир қисми ҳисобидан деҳқонга, мана, пировард натижадан сизлар ҳам бахраманд бўлинглар, деб беришмаса?!

Лекин, истеъмолчилар, биз аминмизки, бу фикрга қўшилишмайди. Маҳсулотларимиз ўтмай туриб қоляпти-да, деб баҳона қилишади. Бу ҳам рост. Ахир, ўзингиз ўйланг. Томат пастаси ҳар бир оила, хонадондаги жон бошининг оз-кўплигига қараб, ишлатиладиган маҳсулот. Бундай кунда керак бўладиган маҳсулотни эса 9—10 килограммли идишларга жойлаб чиқаришади. Уни бирйўла харид қилиб олиб кетиш анча ноқулай, очилгандан сўнг қолган қисми тез уриниб қолади. Савол туғилади. Нега, ривожланган хорижий мамлакатлардаги сингари бу томатларни 300—500 граммли идишларга жойлаб, чиройли ёрлиқлар ёпишитириб, савдога чиқариш мумкин эмас?! Ана шунда бу маҳсулотлар тез кетарди, туриб қолмасли бузилаверадими? Бунга қачонгача бефарқ қараймиз ва яхши бўлиб қолар, деб кўл силтаб, қуникиб, ўзимизга, деҳқонга жабр қиламиз! Қопқоп ваъда бериб, албатта, бажарамиз, деб шартномага қўл қўйган томоннинг имзоси шунчалик қадрсизми? Нега улар жавоб беришмайди? Нега қарзлар вақтида ундирилмайди?

Ундириб олса бўлади. Бунинг учун қонун бор, жамоа хўжалиги ўша интизомсиз корхонани, истеъмолчини хўжалик судига бериши керак!

— Нега шундай қилмайсизлар?

— Бир муаммо бошқа муаммони келтириб чиқармоқда, — дейди раис, — Гап шундаки, агар биз судга берадиган бўлсак, масалани кўришлиги учун арбитрга олдиндан накд 55—60 минг сўм пул ўтказишимиз керак бўларди. Ваҳоланки, бу пул ўша пайтда бизда йўқ эди. Қизиқ, истеъмолчи пул тушганда берамиз, деб тайёр махсулотни насияга олса майли, хўжалик суди шуни ҳисобга олиб, деҳқонга бироз ён босса бўлмайдими? Майли, сизларга қийин бўлибди, хозирча жорий ҳисобларингизда пулларингиз йўқ экан, истисно тарикасида биз ишга киришаверамиз. Ҳақларингизни ундириб бергач, шу ҳисобдан бизнинг ҳақимизни ҳам тўлайсизлар, деса бўлмайдими?

Бу шунчаки мулоҳаза. Ҳозир бозор иқтисоди. Уларнинг ҳам ўзларига яраша муаммолари бор бўлишига шубҳа қилмаймиз. Хўжалик ҳисобида ишлашади-да. Хуллас, нега, деган бир саволга жавоб берсангиз, унинг орқасидан иккинчи бир «нега» келиб чиқаверади. Ахир, бу нега, негаларнинг охири, чегараси нахотки бўлмаса!

Туман деҳқончилик-саноат уюшмаси, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифати бўйича бош давлат назоратчиси, тажрибали мутахассис Қурбон ака Қаюмов ҳаммамизга аён бўлган оддий ҳақиқатни яна бир такрорлади.

— Бунинг учун, — деди у, — қонун ишлаши керак. Афсуски, кўп ҳолларда қонун ишламаяпти. Президентимиз бу ҳақда бекорга қуюниб гапирмадилар. Биз қонун бўйича ишлашга ўтмас эканмиз, иқтисоди ислоҳотларни амалга оширишда кўзда тутилган мақсадларга эриша олмаймиз. Энди бўйруқбозликнинг замони ўтди. Қонуннинг ўзи ҳар қандай буйруқ, кўрсатмадан устун туриши лозим.

Ҳақ гап. Бу йил туманда шартномаларнинг ўз вақтида бекаму-кўст бажарилишини таъминлаш учун ҳозирнинг ўзидаёқ пухта тайёргарлик кўрилмоқда, катта ташкилотчилик ишлари амалга оширилиб, ишга янгича муносабатда бўлинаётир. Бу йил туман бўйича 4500 тонна дон, 3 минг тонна картошка, 20 минг тонна сабзавот, 1600 тонна мева, 3200 тонна узум, 2500 тонна сут, 230 тонна гўшт етказиб бериш бўйича тегишли истеъмолчи корхоналар, хусусан, Тошкент шаҳар кооператив деҳқончилик-саноат бирлашмаси, Тошкент консерва заводи, туман тайёрлов ташкилоти, туман бўрдоқичилик базаси ва Тошкент сут ҳиссадорлик жамияти билан шартнома тузилди. Шартномаларнинг ҳар бир банди икки томонлама кўрилиб, ўрганилиб, пухталаб олинди. Энди тўғри йилги камчиликларни такрорламаслик учун нималар қилиш, қандай тадбирларни амалга ошириш ҳақида келишиб олинди. Бу тадбирлар, шартномага янгича муносабат, туб фарқлар нималардан иборат?

Масалан, дон маҳсулотини олайлик. Топширадиган маҳсулотга олинадиган ҳақнинг 40 фоизини Тошкент дон қабул қилиш корхонаси олдиндан уч босқичда тўлайди. Биринчи босқич амалга ошди.

Деҳқонлар, мутасаддилар сабзавот масаласида ҳам қатъий туриб деҳқоннинг манфаатини ҳимоя қилишга ахд қилиб қўйдилар. Уларнинг айтишича қараганда, далада-ги экин ҳосили пишиб етилишидан 20—25 кун олдин тайёрловчилар хўжаликка таклиф этилади. Ҳосил кўрсатилади, қачон, қай маҳалда, қанча маҳсулот олиб кетишингиз мумкин, лекин, билиб қўйинглар, агар айтилган пайтда келиб, тайёрлаб қўйилган маҳсулотни олиб кетмасаларингиз, кўриладиган зиённи ўзларингиз тўлайсизлар, қандай бўлмасин, ундириб оламиз, деб шарт қўйилади. Истеъмолчи бунга рози бўлгач, жадвал тузилади. Ана шу жадвал асосида маҳсулот тайёрловчига ўз вақтида ва сифатли қилиб етказиб берилади. Тайёрловчининг ҳам талаби бўлади, албатта: маҳсулотнинг сифатли бўлмаса, айтилган вақтдан озроқ кечиксангиз, ўзларингиздан кўринглар...

Биз шундай деб мулоҳаза юритяпмизу, лекин, кўп йиллардан буён касалга айланиб қолган лоқайдлик иллатидан қутулиш осон бўлмайди. Юқорида шартноманинг бажарилиши учун, албатта, қонун ишлаши керак, деб айтдик. Бу оғиздаги гап бўлиб қолмаслиги лозим. Бунинг учун ҳар бир хўжалик ўзининг қонунуносига эга бўлиши шарт. Негадир, кейинги пайтларда хўжалик бошқаруви аппаратини ихчамлаштириш, штатларни қисқартириш баҳонаси биланми, қонуншунослик вазифаси рўйхатдан ўчириб қўйилди.

Энди хўжаликни юритишдаги ана шу кемтик жойнинг ўрнини тўлдирмасак бўлмайди. Бусиз хўжаликнинг бозор иқтисодига кириб бориши қ

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл!

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ

● *Биргина ўтган йили юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган 5019 та тадбиркорлик тузилмалари барпо этилди, бу йиллик режада назарда тутилганидан ўн тўққизта кўпдир. Уларнинг орасида 3703 та хусусий ва 533 та кичик корхоналар бор. 783 таси фермер ва деҳқон хўжаликларидир.*

● *Ҳозирги вақтда вилоятимизда 6930 та кичик ва хусусий корхоналар ишлаб турибди. Уларнинг жамоалари ўтган йил давомида 3567,3 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар ва сотдилар, ҳамда аҳолига пулли хизмат кўрсатдилар. Бу корхоналарда 56,1 минг киши иш билан банд.*

● *Ташкил этилган деҳқон ва фермер хўжаликлари сони 2161 тага етди, уларга 26960 гектар ер ажратиб берилди. Бундай хўжаликлар 1,3 минг тонна гўшт, 3,7 минг тонна ёки олдинги йилдагига нисбатан 37 фоиз кўп сут сотди, деярли 28 минг тонна сабзавот етиштирдилар, бу эса ўтган йилдагига нисбатан 29,8 фоиз кўпдир. Хусусий тадбиркорлик билан шуғулланаётган бу деҳқонлар етиштириб, топширган мева ва резавор мевалар 81,7 минг тоннани ёки ўтган йилдагига нисбатан 107,5 фоизни ташкил этди. Икки минг тонна узум етиштириб бу соҳа бўйича эришилган натижа ўтган йилдагига нисбатан 400 фоиз бўлди.*

ЁРДАМГА ТАЙЁР

МАМЛАКАТИМИЗДА бозор иқтисодиётини барпо этиш жараёни тобора жадаллашиб, кўлами кенгайиб бормоқда. Иқтисодий ислоҳотлар унинг асосини ташкил этса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик етакчи соҳаси ҳисобланади. Ҳозирги кунимизни ва истиқболда фаровонликка эришишни бусиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, самарали фаолият кўрсатиши учун қулай шароитлар ва имтиёзларни яратиб бериш республикамиз раҳбарлигининг диққат марказида турипти. Бизнес фондининг ташкил этилиши ҳам шунга қаратилган эди.

«БИЗНЕС-ФОНД»

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш босқичма-босқич амалга оширилиб борилаётганлиги туфайли бизда хусусий мулк эгалари пайдо бўлди. Республикамиз Президентининг таърифлашича, мулкдор синф юзага келмоқда. Халқ хўжалигининг барча соҳаларида уларнинг мавқелари мустаҳкамланиб, кучайиб бормоқда. Айни пайтда бу тадбиркорлар қўллаб-қувватланишга, ҳар томонлама ёрдамга муҳтожлар. Чунки бу жараён янги бўлганлиги учун ҳам муайян қийинчиликларга, тўсиқларга, англашилмовчиликларга дуч келмоқда. Шундай ҳолларда ҳеч иккиланмаслик, бошланган ишдан қайтмаслик керак.

Бу йўлда ишбилармончилик тузилмаларига ёрдам бериш — «Бизнес-фонд»нинг асосий вазифаси, фаолиятининг асосий мазмуни шундан иборат. У Республикамиз Президентининг 1995 йил 26 июлдаги фармони билан ташкил этилган эди.

Вилоятимизда эса «Бизнес-фонд» — бошқармаси ўз фаолиятини бошлаганига айтарлик кўп вақт бўлгани йўқ. У ўтган йил ноябрь ойининг иккинчи ярмида тузилди. Шу қисқа вақт ичида бошқарма ўз зиммасидаги асосий вазифани бажариш йўлида муайян ишларни амалга оширди. Тадбиркорларга кичик ва хусусий корхоналарни ташкил этиш ва ишни йўлга қўйишда маблағ билан ёрдам бермоқда.

Ўтган йили ҳам вилоятимизда тадбиркорлик тизилмалари сони тез ортиб борди. Юзлаб кичик ва қўшма корхоналар, ширкатлар, йирик саноат корхоналарининг филиаллари ва бошқа шу каби ишлаб чиқаришлар савдо, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари юзага келди. Уларнинг айримларига кредитлар берилди. Бунда халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарувчи, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар, қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати тармоқлари устивор ҳуқуққа эга бўлди. Биринчи навбатда шуларга маблағ билан ёрдам беришга ҳаракат қилинди.

«Бизнес-фонд» берадиган кредитлар имтиёзлидир. Ўтган йили вилоятимиз бўйича йигирма беш тадбиркор «Бизнес-фонд» кредитларини олдилар. Ҳаммаси бўлиб эса 37,6 миллион сўмлик кредитлардан фойдаландилар. Бу йил имтиёзли кредитлар олувчилар сони яна ортиб бораётганлигини мамнуният билан қайд қилиш керак. Бу бошқарма имкониятлари кенгаяётганлиги натижасидир. Шу йилнинг ўтган икки ойи мобайнида тўққиз нафар ишбилармон имтиёзли кредит олди. Кредит ҳажми ўтган йилдагидан катталиги билан ҳам фарқ қилади. Тадбиркорларга берилган жами кредит эса 43,1 миллион сўмни ташкил этди. Албатта, йил охиригача бу бир неча баровар кўпайиши мумкин.

Аввало, кредитлар ҳақиқатан имтиёзли эканлигини кўрсатувчи айрим рақамларни келтириб ўтиш лозим. «Бизнес-фонд» кредитлари бир йилдан ўн йилгача муддатга берилади. Энг муҳими уларга устама фоиз олиш жуда камдир. У ками билан 15 фоиз, кўпи билан 35 фоизга тўғри келади. Бирорта ҳам банк, хоҳ у давлатники бўлсин, хоҳ тижорат бўлсин, бундай кам фоизли кредитларни бермайди.

Шу вақтгача қайси тармоқларга кредит берилганлиги ҳақидаги маълумотларни келтирмоқчиман. Бунда юқорида айтилганидек устивор тармоқлар олган кредитлар салмоқли бўлди. Чунончи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш учун кичик корхоналар, цехлар ва бошқа шу каби ишлаб чиқариш бўлинмаларини барпо этишга жазм қилган беш нафар тадбиркорга 6,8 миллион сўм кредит берилди. Фермер хўжаликларини ривожлантириш йўналишида тадбиркорлик тузилмаларини барпо этаётган ишбилармонларнинг олти нафари салкам ўн миллион сўм ҳажмида кредит олди. Маҳаллий саноатни ривожлантиришга ҳисса қўшиш иштиёқи бўлган етти нафар тадбиркорга ажратилган кредит ҳажми 13,5 миллион сўмга бориб қолди. Қурилиш ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш билан шуғулланишга аҳд қилган тадбиркорлардан уч кишига 1,5 миллион сўм маблағ билан қарашилди. Маиший хизмат кўрсатиш соҳасига қўл урган олти тадбиркорнинг аризаси кўриб чиқилиб, уларга 7,2 миллион сўмлик имтиёзли кредит ажратилди.

Бундай имтиёзли кредитлар эвазига вилоятимиз шаҳар ва қишлоқ туманларида 375 та янги иш ўринлари ташкил топа бошлади ва қатор ишлаб чиқариш объектлари қурилди. Уларда асосан халқ истеъмоли моллари тайёрлана бошлади.

Масалан, Зангиота туманида жойлашган «Файз» илмий-ишлаб чиқариш фирмаси ўтган йилнинг 14 ноябрида 5 миллион сўмлик имтиёзли кредитни полиэтилен плёнкаси ишлаб чиқаришга олган эди. У 1996 йилнинг январь ойи ўрталаридан маҳсулот бера бошлади. Ҳозир ҳар куни 3 тоннадан пленка ишлаб чиқарилмоқда. Паркент туманидаги «Гавҳар» илмий-ишлаб чиқариш фирмаси 800 минг сўмлик имтиёзли кредитдан фойдаланиб, ўтга чидамли ғишт, сопол буюмлар, чинни идишлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. «Ерни тиклаш» жамоа кичик корхонаси 1 миллион сўм имтиёзли кредитни самарали ишлатди. Унда қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини 30-40 фоизга ошириш имконини берадиган ўғит ишлаб чиқарилмоқда. Паркент туманидаги «Нилуфар» кичик корхонаси берилган 200 минг сўм имтиёзли кредит ҳисобига автосервис хизматини ишга туширди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Бу «Бизнес-фонд» ҳақиқатан ҳам тадбиркорларнинг яқин кўмакдоши бўлиб қолганлигидан далолат беради. Вақтида ташкил этилган бу фонднинг шундай хайрли фаолияти кенгайиб, самараси ортишига ҳеч шубҳа йўқ.

Мирсобир МИРҲАМИДОВ.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

● *Хусусийлаштирилган корхоналар сони уч минг саккиз юзтага яқинлашиб қолди.*

● *Давлат мулкини кўчмас мулк биржасида сотиб олган 916 нафар мулкдор фаолият кўрсатмоқда.*

● *Шахсий ёрдамчи хўжаликлар сони 230 мингтадан ҳам ошиб кетди.*

● *Ўтган йили бир ярим мингтага яқин ер участкалари сотилди.*

● *Ҳозирги вақтда вилоят шаҳарлари ва туманларида деярли 23 минг фуқаро якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланиш учун патент олган.*

● *Ўтган йили вилоят ҳокимлиги ҳузурида ерни ва одам яшамайдиган биноларни ижарага бериш бўйича бошқарманинг ташкил этилиши айни муддао бўлди. Бу бошқарма нисбатан қисқа муддат ичида 970 та одам яшайдиган биноларни ҳисобга олди, уларнинг умумий сатҳи 19800 квадрат метрли 527 таси ижарага берилди. Умумий фойдали майдони 8160 квадрат метрли 68 та шундай бино ким ошди савдосида ишлаб чиқаришни уюштириш, аҳолига савдо ва бошқа хизмат кўрсатиш, тадбиркорлар ва корхоналарнинг тайёр маҳсулотлари омборлари сифатида фойдаланиш учун сотилди.*

● *Ўтган йили ким ошди савдоларида жамоа хўжаликлари ишлаб чиқаришнинг асосий тармоқлари бўлмаган 63 та чорвачилик фермалари сотилди. Умумий майдони 651 гектарни ташкил этувчи норентабел ёки камрентабелли кичик боғ участкалари ҳамда 585 гектар токзорлар уларнинг ҳақиқий эгаларига танлов асосида берилди. Бу йиллик топшириқдагига нисбатан тегишлича йигирма фоиздан ортиқроқ кўпдир.*

● *Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни жадаллаштириш, уларнинг инфраструктурасини яратиш туфайли 1995 йилда иш ўринларининг умумий сони 10 мингтадан ошиб кетди.*

● *Қўшма корхоналар ўтган йил давомида 860 миллион сўмлик маҳсулот сотдилар, бу 1954 йилдагига қараганда олти баравар кўпдир.*

«ИСКАНДАР»НИНГ «МИЛЛИОН»ЛАРИ

Фахриддин Қодиров ҳали ёш бўлишига қарамай катта ва хайрли ишга қўл урди. Бунга унинг акаси сабабчи бўлди.

— Укам, —деди у, — Шаҳарда майда-чуйда ишлар билан ўралашиб юрмасдан далага чиқиб, ишлагин...

Бу таклиф Фахриддинга маъқул тушди ва ака-ука маслаҳат қилиб, Зангиота туманидаги «Туркистон» фермерлар уюшмасига қарашли иссиқхонани сотиб олишди. Эскириб кетган ускуналарни янгилашди. Катта майдонни эгаллаган иссиқхонага «Искандар» деб ном қўйишди. 15 нафар кишини ёнларига олишди. Ишлар юришиб кетди. Қисқаси, бу йил 1 миллион 200 минг туп «Копенгаген» навли карам кўчатини етиштириб, деҳқонларга барвақт етказиб бердилар. Айни кунларда 2,5 миллион туп «Чемпион» навли помидор кўчатини парвариш қилишяпти.

Иссиқхона деҳқонлари Саида Йўлдошева, Қутбиддин Қодиров, Минхон Багаутдиновлар ҳар бир ишни дид билан амалга ошириб, ҳамкасбларига ўрнак бўлишмоқда. Шунингдек, бу ерда 500 минг туп «Тошкент совғаси» навли болгар қалампири кўчатлари ҳам яратиб ўстириляпти.

Ака-укаларнинг саъй-ҳаракати туфайли бу йил деҳқонлар бошқа ерлардан кўчат излаб юрмадилар. Ишончли қўллар томонидан яратилган серҳосил нав ниҳолларини яқингинадан олиб, далага чиқариб экмоқдалар. Олди деҳқонлар бу кўчатларни соғлом ва дуркун ўстириб, парвариш ишларини авж олдириб юбордилар.

ИСМОИЛ ҚОСИМОВ.

Пискент туманидаги «Шуҳрат ЛТД» масъулияти чекланган илмий-ишлаб чиқариш фирмаси республика «Ташаббус—95» кўрик-танловининг ғолиби бўлиб, имтиёзли кредит олишга муяссар бўлганди. Бугун шу фирманинг бош директори Шуҳрат ҲАКИМОВ билан мухбирларимиз қилган суҳбатни эътиборингизга ҳавола этамиз.

«Ташаббус—95» ғолиблари

ТАДБИРКОР ДЕГАН УЗОҚНИ КЎЗЛАЙДИ

— Шуҳрат ака, аввало, ғолиблик муборак бўлсин.

— Раҳмат.

— Юз минглаб тадбиркорлар орасида бунчалик обрў-эътибор қозонишнинг ўзи бўлмайди. Унинг ортида тинимсиз меҳнат, ғайрат, сабр-матонат ётибди, шундай эмасми?

— Албатта, бу даражага етишишнинг ўзи бўлмади. Бизга берилган имтиёзли кредит давлатга бир неча баравар бўлиб қайтишига шубҳам йўқ, негаки биз кўзлаб юрган изланишлар шу куннинг долзарб муаммолари ечимига боғланган. Албатта, бу бугунги кун билангина яшаш, деган фикрни билдирмайди. Эртанги истиқболни ўйламаган, у ҳақда бош қотирмаган тадбиркор тадбиркор эмас. Шу боис режаларимиз улкан, ниятларимиз улуғ.

— Шулар хусусида бафуржа гаплашишдан аввал, фирманинг дастлабки одимлари ҳақида қисқача сўзлаб берсангиз.

— «Шуҳрат ЛТД» фирмаси 1992 йил 29 январда «Лазер» кичик корхонаси сифатида ташкил этилганди. Даставвал, корхона ўз низомига кўра ишни мева-сабзавотларни ҳамда сутни қайта ишлаш қурилмаларини яратишдан бошлади. Шу соҳада муайян ғояларга эга бўлган олимлар билан маслаҳатлашдик. Ҳамкорликда ишлаш ҳақида келишиб олдик.

Ишни илк бор ташкил қилган пайтимизда уч киши эдик. Бугунга келиб фирмада 100 дан ортиқ одам ишлаётган бўлса, шулардан 20 нафари турли соҳаларда илмий изланишлар олиб бораётган олимлардир.

Маълумки, диёримиз ширин-шакар ва ҳар хил мева-сабзавотларга бой. Кўпгина хўжаликларда эса уларни сақлашда каттагина муаммоларга дуч келишади, айни пишикчилик пайтида пешона тери билан етиштирилган нознеъматлар нобуд бўлади. Мана шуларни эътиборга олиб, биз биринчи навбатда илк илмий изланишларимиз натижаси бўлган «Орзу—100» кичик заводини ихтиро қилдик.

— Унинг имкониятлари нималардан иборат?

— Бу кичик завод ёрдамида мева ва полиз маҳсулотларидан мураббо, шинни, сабзавотлардан консервалар, томат пасталари, қанд лавлаги шарбати олиш мумкин. Кейинроқ «Орзу—160», «Орзу—250», «Орзу—2000» кабилар яратилди. Булар кичик заводларнинг маҳсулот тайёрлаш қуввати ошганлигини билдиради. Уларни ишлатиш ҳеч бир қийинчилик туғдирмайди. Негаки, улар тўлиқ автоматлаштирилган, технологик жараёнларни электр авоматлашган қурилмалар бошқаради. Кичик заводни биздан сотиб олган хўжалик ё ташкилот ташвиш қилмаса ҳам бўлади. Заводни ўрнатиб, ишга туширишдан ташқари, ишчиларни уларда ишлашга ўргатиш ва биринчи маҳсулот чиқаригунгача бўлган барча юмушлар фирма мутахассислари зиммасида бўлади. Бир йилгача бепул таъмирлаш кафолати ҳам бор.

— Яна қандай ишларни амалга ошираяпсизлар?

— Фирма аҳоли буюртмалари бўйича темир дарвозалар, араваларни ҳам тайёрлаб бермоқда. Туманимизда ягона бўлган аргонли пайвандлаш цехи ишга туширилган. Энди лика зангламайдиган металл, мис, пўлат, чўян каби турли металл материалларини пайвандлаш имконияти туғилди.

Ҳозир биз асосан озиқ-овқат саноатидаги олимлар билан ҳамкорликда иш олиб боряпмиз. Бундан ташқари, яна турли йўналишлар бўйича ҳам изланишлар қиляпмиз. Келгусида корпорация тузмоқчимиз. Корпорация кенг тармоқли бўлиб, фақатгина озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлайдиган кичик заводлар ишлаб чиқариш эмас, балки қурилиш материаллари, бошқа давлатлардан замонавий технологияни олиб келиб Ўзбекистонда жорий қилиш, республикамиз илмий салоҳиятини чет элга олиб чиқиб, кўрсата олиш ва ўзимизнинг хорижникидан қолишмайдиган, билакс, уларникидан афзалроқ имкониятларга эга эканлигини кўрсата билишдан иборат.

— Фирма ташкил этилгандан буён бир нечта фирмалар, савдо уйлари таъсис этибсизлар, йириккроқ қўшма корхона тузиш ниятингиз ҳам бордир?

— Дарҳақиқат, ҳозирги кунда фирмамиз томонидан ташкил қилинган юридик шахс мақомига эга бўлган «Зуҳро» савдо уйи, «Мирюсуф ЛТД», «Қурилиш» ишлаб чиқариш фирмалари кенг фаолият кўрсатишмоқда.

Кичик заводларимиз учун йиғувчи кисмларни Россиядан келтирамиз. Яқиндагина Свердловск вилоятидан меҳмонлар келишиб, фирма имкониятлари билан танишишди. Мен ҳам ўз навбатида Екатеринбург шаҳрида бўлганимда «Универсал технологиялар ва материаллар илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ва масъулияти чекланган минтақаларо «А-КонТО» ишлаб чиқариш савдо фирмаси билан ҳамкорликда «Шарқ-Урал-интерпрайзис» қўшма корхонасини тузиш ҳақидаги шартномани имзолаб қайтдим. Ҳозир барча ҳужжатлар расмийлаштириш жараёнида.

Кичик заводларимизда ишлаб чиқарилган консерва маҳсулотлари ва мева-сабзавотларни Свердловск вилоятига етказиб берамиз. Ўлардан эса газ, водопровод қувурлари, электродлар, зангламас металлар ва бошқа қўплаб зарур маҳсулотлар келтирамиз.

— Бир қарасангиз, қўшма корхоналар, фирмалар сони кўпга ўхшайди, лекин, натижалар ончалик кўзга ташланмаяпти. Кўплари юлдуз кўрмай жон беряпти. Шу ўринда ишбилармон—тадбиркорларга қандай маслаҳатлар берган бўлар эдингиз?

— Тадбиркор ва ишбилармонларнинг ишлари янада яхшироқ юришиб кетиши учун улар, аввало, иқтисодий ва ҳуқуқий билимларни чуқур ўрганиб олишларини ҳамда ишни ўз ҳудудлари ва туманларида нисбатан камроқ ривожланган фаолият турларига қаратишларини истардим. Маҳсулотнинг энг харидоргир ва бугунги кунда чет эллардан валютага олиб келинаётган турларини ўзимиздаги арзон маҳаллий хомашёдан ишлаб чиқаришдан бошласалар дуруст бўларди.

Президентимизнинг яхши гаплари бор: ташқи давлатлар билан алоқа қилмаган фирма, корхонанинг келажаги йўқ. Ниҳоятда тўғри ва ҳаётий гап бу! Россия ва бошқа Европа мамлакатлари билан қўшма корхоналар тузиш, ўзимизда етиштирилган хомашёдан, меваларидан қайта ишлаб дунё бозори талабларига жавоб берадиган халқ истеъмол моллари тайёрлаб, республикамизга валюта олиб келишимиз даркор. Бу билан республика валюта запасини кўпайтиришга озгина бўлса ҳам ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

— Муаммолар ҳам бордир, ҳеч бир иш силлиқ кетмайди-ку?!

— Нимасини айтасиз... Лекин, мен тадбиркор деганда ҳар қандай муаммони, аввалмбор, ўзи ҳал қила оладиган одам, деб тушунаман. Қийинчилик ҳамма жойда бор. Тадбиркор ана шу қийинчиликни енгиб, ўзининг ишбилармонлиги, уддабуронлиги билан фирманинг, кичик корхонаси фаолиятини бир маромда юргиза билиши керак. Ана шундагина у ҳақиқий тадбиркор ҳисобланади. Айрим ишбилармонлар эса бартер билан мол айирбошлаш бекор қилинди, энди ишимиз ривожланмайди, деб бош қашиб юриптилар, деган гапларни эштитаман. Менимча, қайтага яхши бўлди. Чунки, биз юборяётган маҳсулотни хоҳ у Россия, хоҳ у МДҲдаги бошқа мамлакатлар ёки Европа бўлмасин, фақат валютага сотилиши керак. Чет эл сармояси бўлган валюта Ўзбекистонга келтирилса, бу валютага дунёнинг исталган мамлакатидан энг зарур маҳсулотлар ва замонавий техникани харид қилиб олса бўлади.

— Фирманинг илмий салоҳияти ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Фирмани ҳаракатга келтирувчи куч — олимлар, уларнинг илмий изланишлари натижасида муваффақият сари дадил борилмоқда. Изланишлар натижасида «Суспензиялар ва эмульсияларни кучайтириш учун ваккум-бўғланиш қурилмаси» учун 1764-сонли патентга ва бир нечта авторлик гувоҳномаларига эга бўлганимиз ҳам уларнинг хизмати.

Фирмада олимлар учун зарур шарт-шароитлар яратиб беришга ҳаракат қилмоқдамиз. Аввало, уларни ўз илмий изланишларидан моддий манфаатдорликларини муттасил ошириб бормоқдамиз. Улар томонидан таклиф этиладиган ҳар бир фойдали фикр беэътибор қолмайди. З. Имонқулов, М. Асроров, В. Сахаров, С. Саидхўжаев каби бир қатор олимларимиз янги илмий-техникавий ечимларни амалиётга тадбиқ этишга ўз куч-ғайратларини сарфламоқдалар. Энг сўнгги янгилик: олимларимиз технологиялари асосида мева кукунларини олиш ва ҳажмли ун ва ем тайёрлаш тегирмонларини янги турларини яратиш устида иш олиб борилмоқда.

Мевалардан табиий кукунларни олиш технологияси илгари бизда бўлмаган. Уларни биз чет элга фақат валютага сотамиз. Канаданинг «Раанани Холдинг» компанияси президенти фирмамизга ташриф буюрган чоғда, ишларимиздан кўнгли тўлиб, биз билан ҳамкорлик қилишга ахд қилди. Шу йилнинг апрель ойларида у бизга мевадан олинадиган табиий кукунларни қадоқлаш линиясини ўрнатиб беради. Бу ҳақда ўзаро шартномани имзолаганмиз.

Насиб этса, режаларимизни бирин-кетин амалга ошираверамиз. Ниятимиз фаолиятимиз доирасини янада кенгайтириш ва жонлантиришдан иборат.

Миржалол МИРАЛИЕВ, Даврон АҲМЕДОВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбирлари.

Фирманинг кундалик фаолиятидан айрим лавҳалар. Д. АҲМАД суратлари.



МУЛКДОР БЎЛИШ ОСОН ЭМАС

Ўзбекистон фермер хўжаликларини барпо этиш юзасидан бошланган ҳаракатга қўшилиб, бу соҳада ўз куч ва билимини синаб кўриш мақсадида 1992 йил февраль ойида «Йўл тушган» жамоа хўжалигида кичкинагина фермер хўжалигини очдим. Дастлаб ишни чўчқачиликдан бошладим. Шундан даромад олдик, ер ҳосилдорлигини оширдик. Тошкент вилоятида биринчилардан бўлиб, 1995 йил 5 майда «Йўл тушган» жамоа хўжалигининг қорамолчилик фермасини хусусийлаштириб, ҳиссадорлик жамиятига айлантириб олдим. Ўшандан буён бу хўжалик «Муқимий чорвачилик хўжалиги» деб номланади. Иш бошлаган кезларимизда дастлаб 275 та қорамол, шундан 115 таси сигир бўлган эди. Жамоа хўжалиги тасарруфида бўлган вақтларда бу сигирлардан бор-йўғи 1400—1500 литрдан сут соғиб олинар экан. Хусусийлаштириб олганимиздан сўнг маҳсулот етиштириш икки-уч бараварга ошди.

Ҳар бош сигирдан сут соғиб олиш 3 минг литрга етди.

Агар ҳар бир жойнинг ўз эгаси, ўз мутахассиси бўлса, ўша жойда иш албатта, юришиб кетади. Хўжасизликка йўл қўйилмайди, ташмачилик, талон-тарож қилиш ўз-ўзидан барҳам топади.

Фермер ишбилармон, тадбиркор, меҳнаткаш бўлса, ҳамма нарсага эришади. Албатта, хусусий мулк эгаси бўлиш осон эмас.

Хўжаликда хусусийлашган даврга нисбатан қорамол сони ошиб, сигирлардан сут соғиб олиш кўпайди, дедик. Масалан, сут етиштириш 1992—1993 йилларда 195—200 тоннани ташкил этган бўлса, 1995 йилга келиб, бу рақам 350 тоннага етди. Гўшт етиштириш 1993 йилларда 16 тоннадан ошмаган бўлса, 1995 йилда у 85 тоннани ташкил этди. Бу кўрсаткичлар янада ўсиб бораверади, деб ўйлаймиз.

Деҳқон бўлиб бир йил ишла, чорвада ўн йил, деган гап бор. Мана, аста-секин фермерларга кенг имкониятлар яратилмоқда. Чорвачиликда танлаш-саралаш деган муаммо бор. Ҳозир биз ана шу йўлни тутаяпмиз. Чорвада наслга ҳаҳамият бермас экансиз, бирингиз икки бўлмайди. Бунинг учун сермаҳсул сигир подасини яратиш лозим.

Яқинда республика миқёсида фермер ва тадбиркорларнинг кенгаши бўлиб ўтди. Унда юртимизнинг турли вилоятларидан келган хусусий фермерлар, ҳиссадорлик жамиятларининг раислари қатнашдилар. Жуда ҳам долзарб, ўткир масалалар кўтарилди. Ҳамма ўз дарди, муаммоларини айтди.

Дарҳақиқат, хусусийлаштирилган фермер хўжаликлари учун ажратилган ер ҳар бир шартли мол учун, жамоа хўжаликларида 1—1,5 гектарни ташкил этса, хусусийлаштирилган фермер хўжаликларида 30 сотихга тушиб қолди. Майли, биз 30 сотихга ҳам розимиз. Лекин, бу ерда икки марта экинни қайта экиб, оралиқ экинлар туфайли ҳосилни кўпайтириб, бир бош қорамолни боқиши мумкиндир, аммо, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш қийин. Бунинг устига шулха, омухта ем билан таъминлаш ҳам ёмон аҳволда.

Техника билан бугунги фермерлар яхши таъминланмаган. Жамоа хўжаликларининг биронтаси ўзидан ажралиб чиққан фермер хўжалигига, на ҳиссадорлик жамиятига қайишаётгани йўқ. Янгиси уёқда турсин, ўртамиёнасини ҳам бермайди. Янги техника сотиб олишга эса ҳали-бери унча-бунча фермернинг қурби етмайди.

Бас, шундай экан, эски техника билан фермер ердан икки марта ҳосил олиши қийин. Бунинг учун зудлик билан техника муаммосини ҳал қилиш зарур, деб ўйлайман.

Республикада «Чорвасервис» деган корхона ташкил қилинган. У фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи корхона бўлиши керак эди, аслида. Шартнома асосида ишлаб, бизларга хизмат кўратиши лозим бўлган мазкур корхонанинг ишини ҳам қайтадан кўриб чиқиш зарурати туғилиб қолганга ўхшайди.

Маблағ масаласи ҳам долзарб муаммолардан саналади. Бизда танлаш-саралаш иши олиб борилмаса, чорвачилик ривожланмайди. Бунинг учун республикада «Бизнес фонд» ташкил этилган. Бу жамғарма умумий улушининг 15 фоизи фермерларга ажратилган. Бу маблағлардан фойдаланиш ҳолати ҳам яхши эмас. Агар «Бизнес-фонд» тарафидан фермерларга янада эркинлик яратилиб, етарли маблағ ажратиб турилса, чорвачиликдаги ишларимиз ижобий томонга янада кўпроқ силжиган бўларди.

Тармоқда ишлашга ҳамма ҳам чидаб кетавермайди, айниқса, ёшлар. Шунинг учун тажрибали чорвадорларни қадрлаш, уларни ҳар тарафлама рағбатлантириб туриш лозим, деб ҳисоблайман. Ҳозирги кунда муваффақиятга эришаман деган одам молнинг бош сонига қараб эмас, маҳсулотига қараб ишлаши лозим. Шу боис биз қорамол бош сонини кўпайтириб эмас, маҳсулдорликни ошириш йўлидан бораяпмиз.

1996 йилдан паррандачиликни ҳам ривожлантириш сари қадам қўйдик. Шу мақсадда 1,5 мингта беш ойлик венгер зотли жўжалар олиб келдик. Ҳозир улар тухумга кириш арафасида. Паррандаларнинг ҳар бири 238—240 тадан тухум бериши керак. Бу 250 мингта тухум тайёрлаш демакдир. Бу йилги режамизда сут етиштиришни 400 тоннага, гўшт тайёрлашни 80 тоннага етказиш мўлжалланган.

Чўчқачилик сердаромад соҳа бўлгани туфайли бу ишга ҳам қўл урмоқчимиз. 50 бош она ондатра боқмоқчимиз, бу 200 та мўйна тери етиштириш деганидир. Яна 50 сотих ерга иссиқхона қуришни режалаштирганмиз. У ерда помидор, бодринг каби маҳсулотлар етиштириш ниятимиз бор. Тумандаги 255 хонадонни ичимлик суви билан бепул таъминлаяпмиз. Энг асосийси мен ўзимни ниятларимга етдим. Ёшлигимда нималарни орзу қилган бўлсам, бугунги кунда улар бирин-кетин амалга ошмоқда. Бахт дегани шу бўлса керак.

Хўжалигимизда 30 нафар одам ишлайди. 24 киши чорвачилик билан шуғулланади. Соғувчиларнинг ойлик маоши 2 минг сўмни ташкил этмоқда. Бир литр сут учун 70 тийин ҳақ тўлаяпмиз. Молбоқарлар 1700—1800 сўмдан маош олишмоқда.

Туман ҳокимлигининг ва «Бизнес-фонд» раҳбариятининг ҳар томонлама ёрдамлари туфайли ишимиз муваффақиятини таъминламоқдамиз. Яқинда бўлиб ўтган Республика «Ташаббус—95» кўрик-танловида ғолиблар сафида бўлганимиз ва пул мукофоти билан тақдирланганимиз бундан буён ҳам янада ғайрат ва шижоат билан меҳнат қилишга ундамоқда.

Муқимжон ЭРХЎЖАЕВ, Чиноз туманидаги «Муқимий чорвачилик хўжалиги ҳиссадорлик жамияти» раиси.

Мардлар қўриқлайди Ватанни

ХАЛҚ ХИЗМАТГА ЧОРЛАЙДИ

Гулбаҳорда чақирилувчилар куни бўлиб ўтди

БАҲОРГИ айёмнинг кўркам фазилатларидан бири ҳамиша Қуролли кучлар сафига чақириқ маросимлари бўлиб келган. Бу анъанага садоқат чиндан ўзгармас бўлиб қолмоқда. 21 март куни ҳамма Наврўзни кенг нишонлади. 23 март куни эса Гулбаҳор қўрғонида яна бир байрам — Чақирилувчилар куни тантанали равишда ўтказилди.

Яқин орада туман ҳокимияти олдидаги майдонда бунчалар кўп одам йиғилмаган эди. Вилоятимизнинг деярли барча туманларидан келган чақирилувчилар бу ерга тўпланишди. Тортинчоқ, ҳадиксираб турган йигитлар сафга тизилишди. Уларнинг бўшашиброқ туришларининг сабаби бор эди. У ҳам бўлса, шундоққина ёнларида қаддиқоматлари келишган, кўрса одамнинг кўзи қувнайдиган республика Мудофаа вазирлигининг Тошкент умумқўшин ҳарбий командирлар билим юртининг талабалари фахрий қоровулда салобат билан туришарди.

Кўнгилга яқин бўлиб кетган оркестрнинг марш садолари она-Ватан хизматига чорламоқда.

Ота-оналар ҳозирча ўз фарзандлари ёнларида. Фахрийларнинг меҳрибон нигоҳлари эса бўлажак аскарларга қадалган. Уларнинг сафи майдонга тўпланган чақирилувчилар сонидан кўп бўлса кўпки, оз эмас.

Байрам митинги бошланди. Одатга кўра армияча тантанали сафланиш бошланди. Уни Тошкент вилояти мудофаа ишлари бошқармасининг бошлиғи, полковник Т. Асқаров қабул қилади.

Янгийўл тумани ҳокими Й. Тожибоев янгийўлликлар фикрини изҳор этиб, ҳамма ёш вакилларимиз ўз хизматларини виждонан адо этишларига чақирди. Бизда туманимиздан чиққан кўплаб таниқли ҳарбийлар — Ўзбекистоннинг муносиб шавкатли ўғлонлари билан ҳақли равишда фахрланишади. Тошкент умумқўшин Олий ҳарбий билим юртининг бошлиғи генерал-майор Р. Хадирбоев ана шулардан биридир,деди у.

Йиғилганлар ҳузурида истеъфодаги генерал-майор А. Ортиқбоев сўзга чиқди. У ҳам бўлғуси аскарлар учун ёркин ва ҳаётий намунанинг жонли тимсолидир.

Ташкилотчиларнинг ишларидан ҳамма мамнун. Улар чақирилувчилар кунига республикамиздаги кўплаб таниқли кишиларни таклиф этишибди. Албатта, уларнинг ҳаммаси сўзга чиқишга улгуришолмади. Энг асосийси, улар шу ерда, йиғилганлар орасида эди. Мана, улардан бири Ғофур Ҳайдарович Икромов. Уруш фахрийси, 1945 ва 1995 йиллардаги Москва Қизил майдонидаги Ғалаба паради қатнашчиси. Фахрийнинг тан олишича, бугунги тадбир кўпни кўрган бу одамга ўзгача бир таъсир ўтказибди.

Тантанали митинг Тошкент умумқўшин Олий ҳарбий билим юрти курсантларининг қурол ва қўл билан курашиш машқлари ўтказишининг кўргазмали намойиши билан поёнига етди. Тантанали тадбирда Тошкент вилояти ҳокимлигининг масъул ходимлари иштирок этдилар.

А. КУЗЬМИН.

● СУРАТЛАРДА: байрам лаҳзалари. Даврон АҲМАД олган суратлар.

ТАНТАНАЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Паркент тумани марказида эрта тонгдан карнай-сурнай садолари одамларни байрамга чорлади. Катта дошқозонларда 800 килограмм ош дамлаб, юртга тортилди. Барча хўжаликлар, катта-кичик ташкилотлар ўзларига ажратилган жойларда тантанани зўр кайфият билан давом эттирдилар. Бадиий ҳаваскорлик дасталари ўз куй-қўшиқлари билан давраларга файз киритдилар, миллий кураш бўйича спорт мусобақалари уюштирилди.

Шу куни кам таъминланган оилалар ва ногиронларга моддий ёрдам кўрсатилди.

Наврўз тантаналари бугунги кунда маҳаллалар, хўжаликларда давом этмоқда. Бутун туман бўйича тозалаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари кенг авж олмоқда.

Даврон АҲМАД.

Наврўз илҳомлари

ҚАЛБЛАРДА БИР КЎКЛАМ НИШ УРАР ЖЎШИБ...

ЯНГИ КУН

Юрагимда илоҳий сурур,
Мен бир малак, гўё мен бир хур.
Енгилман-эй бамисоли қуш,
Англай олмам — ўнгимми ё туш.

Дарду ҳасрат чекмагандекман,
Қаддимни ҳеч букмагандекман.
Гўё кучга тўлган зўр йигит,
Шиддатимдан қўрқудек бургут.

Гўё менга ўлим бегона,
Ва бор дунё мехрибон она.
Ғаниларим, ғамларим йўқдай,
Дўсту-ёрдан кўнглим ҳам тўқдай.

Юрагимда сабру-қаноат,
Бу не сир-у, бу не синоат.
Бу не тотли руҳий осойиш,
Бу не лутфу, бу не кушойиш.

Лаҳзаки бир мангуликка ёр,
Наҳот шундай бахт-саодат бор?!
Илк баҳорнинг сеҳримикан бу,
Ё Наврўзнинг мехримикан бу.

Уйғонмоқда такрор табиат,
Шундан балки кўнглимда рағбат.
Кезар ахир навбаҳор саси,
Уфурмоқда Наврўз нафаси.

Наврўз! Яна олам мунаввар,
Ҳар бир чехра бир шамсиқамар.
Наврўз, келдинг янги кун бўлиб,
Қувончларга, шодликка тўлиб.

Қучоғингда ошган сайин нур,
Ортиб борар кўнглимда сурур.

Абдуҳамид ПАРДАЕВ.

ШУКУҲ

Келиб Наврўзим уйғотди оламни қишки уйқудан,
Юмилмас ғунчалар лаби сўлим боғларда кулгудан.

Дарахтлар ҳам ясандилар кийиб янги яшил кўйлак,
Безанди, тугмалар такди нукул нукраю инжудан.

Қуёш ёғдуларин сочди далаю, тоғу-тошларга,
Шовуллаб, шарқираб садо таралди шўх оқар сувдан.

Баҳор бонг урди, э ғофил, кўзинг очиб оламга боқ!
Олам юзи қилур жилва феруза тусли кўзгудан.

Туриб эрта саҳарларда далага йўл олар деҳқон,
Кириб боғига боғбон ҳам кўз узмас олма, олудан.

Мусаффо Наврўзи Олам шукуҳидан дилим хушнуд,
Ёзар яроқ юракда эзгу орзулар бу туйғудан.

Жаҳонда, ўзбегим, топдинг адолат йўлини охир,
Йўлинг ҳеч айри тушмасин бу истиқболли орзудан.

Эли-юрт тинчлиги, дўстлар, тобора кенг ривожлансин,
Илоё асрасин оллоҳ одам офоти — қайғудан.

Юракда қайнасин илҳом булоғинг доимо Арслон,
Замонга мос қўшиқ янграт қўлингда янги чалғудан.

Арслон УМАРОВ.

КЎКЛАМ

Барра майсаларни аллалар Замин,
Дарахтлар авайлар куртакларини,
Тонгнинг сийнасига тутганча лабин,
Тинглайди ҳаётнинг эртакларини,

Гўзалдир, оламнинг навосин севдим,
Қалбимда бир кўклам ниш урар жўшиб,
У менинг тиллари чиқмаган шеърим —
У яшил ҳисларга ўралган қўшиқ...

Ашурали БОЙМУРОДОВ.

Вилоят солиқ бошқармаси ва «Тошкент ҳақиқати» қўшма рейди

ЯХШИ БЎЛСА — БОЗОР, ЁМОН БЎЛСА — ҲАЗАР

ҲА, бозор деган сўзда маъно кўп. Бозор — эл-юртнинг кунига ярайдиган, уй-рўзғор тебратишда ёрдам берадиган, қолаверса, янгиликлар эшитиладиган, антиқа учрашувлар бўладиган бир даргоҳдир. Ташқаридан келадиган меҳмонларнинг дастлаб бозорларга ташриф буюриши ҳам бежиз эмас. Зотан, бозордаги аҳволга қараб эл-юрт турмушига, одамлар иқтисодиётига баҳо берилади.

Шунинг учун ҳам кейинги пайтларда Республика Вазирлар Маҳкамасининг қатор мажлисларида, республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг айрим вилоятларда, хусусан, Хоразм вилояти Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқларида ҳам бу масалага катта эътибор берилди. Сўнгги йилларда республикамизда янги бозорлар барпо қилиш, уларни таъмирлаш, кенгайтириш учун кўпгина маблағ ва куч-ғайрат сарфланмоқда. Лекин, бугунги бозорларимизда аҳвол қандай? Сотувчи-деҳқон ва харидорларга зарур шарт-шароитлар яратиб берилганми? Бозорлардаги бир марталик йиғим пуллари бозор хазинасига тўлиқ топширилянтими? Тош-тарози, коржомалар сингари анжомлар талаб даражасидами? Тошкент вилояти солиқ идоралари ходимлари ҳамда «Тошкент ҳақиқати» газетаси мухбирлари иштирокида ўтказилган вилоят бозорларидаги текширувлар юқоридаги саволларга жавоб топишга қаратилди. Текширувлар вилоятдаги 17 туман ва шаҳарларнинг 26 та бозорида ўтказилди.

Яхши бўлса — бозор, ёмон бўлса — ҳазар, деган халқ мақоли бор. Туман ва шаҳарлардаги бозорларнинг айримларига кириб хурсанд бўлдик, айримларидаги аҳволдан эса дилимиз ранжиди.

Маълумки, Тошкент вилояти ҳокимининг 1995 йил 24 апрелдаги «Бир марталик йиғимлар ўлчамидан маҳаллий бюджетларга тушумни бекор қилиш тўғрисида»ги қарорида мазкур маблағларнинг юз фоизини шу бозорларни таъмирлаш, ободонлаштириш, сотувчи-деҳқон ҳамда харидорлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш учун сарфлаш каби олижаноб мақсадлар кўзда тутилган эди. Афсуски, текширув натижалари бозорларнинг аксарият қисмида деҳқон-сотувчиларга хизмат кўрсатиш қўнгилдагидек эмаслигини кўрсатди. Кўпчилик бозорларда юк ташиш аравачалари йўқ. Савдо расталари томон олиб борадиган йўлкалар асфальтланмаган. Ёғингарчилик кунлари одамлар лой, кўлмак сувлар кечиб юрибди. Жумладан, Оққўрғон, Зангиота туманларидаги мол бозорлари қаровсизлигидан ташриф буюрувчилар норозилигига сабаб бўлмоқда.

Қатор бозорлар эса етарли даражада тош-тарози каби анжомлар билан тўла таъминланмаган. Масалан, Чирчиқ шаҳридаги деҳқон бозори анча катта бўлишига қарамай, у ерда атиги 84 тагина тарози мавжуд экан. Устига-устак улардан 13 таси ишга яроксиз бўлиб чиқди. Юқоричирчиқ туманидаги бозорда эса бор-йўғи 20 та, Олмалиқ шаҳар бозорларида 142 тагина тарози бор экан. Оққўрғон тумани бозорларидаги 207 та тарози ва 752 та ҳар хил вазндаги тошлар 1992 йилдан буён давлат стандарти кўригидан ўтказилмаганлиги маълум бўлди. Бу масалаларга, энг аввало, бозорлар маъмурияти эътибор бериши лозим эди. Лекин, улар бу камчиликларни назар-писанд қилмаганлар.

Харидорларни алдаш, нарх-наводан, тош-тарозидан уриб қолиш қадим замонларда ҳам гуноҳи азим ҳисобланган. Лекин, айрим бозор ходимлари ва чайқовчилар мўмай пул топиш илинжида ўз иймонларини ҳам сотиб юборморқдалар. Ангрен шаҳар деҳқон бозорида Паркентдан келган А. Ходисаев деган кимса давлат кўригидан ўтмаган икки ва уч килограммлик тошлар билан зўр бериб харидорларга картошка сотаётганида текшириб кўрилди. Авваламбор, А. Ходисаевнинг тадбиркорлик билан шуғулланиш тўғрисида ҳужжати бўлмагани устига, унинг тарозига қўйилган тошлари ҳам «антиқа» чиқиб қолди. Ўлчаб кўрилганда уч килограммлик тошлардан бири 170 граммга, иккинчиси эса 70 граммга кам чиқди.

Аслини олганда бозорнинг «чеҳраси», тартиб ва ободонгарчилиги назоратчи-паттачиларга боғлиқ. Аммо, баъзи бир паттачилар ўз вазифаларини бошқа нарсада, деб билиб, асосий ишларини унутиб қўйган чоғи. Вилоят бозорларидаги назоратчи-паттачиларнинг бир марталик тўловдан иборат бўлган йиғим пуллари текширилганда 57 ҳолатдан 18 тасида ортиқча пул олинганлиги ёхуд камомадга йўл қўйганлиги ошкор бўлди. Булардан 15 нафар назоратчида 1306 сўм камомад, уч нафар ходимда эса 166 сўм ошиқча пул борлиги аниқланди. Жумладан, Паркент тумани бозори назоратчиси К. Содиков хазинасида 144 сўм, Х. Расуловда 75 сўм камомад бўлди. Янгийўл шаҳар мол бозорида ҳам худди шундай аҳволга дуч келинди. Бозор назоратчиси Ю. Умаровда 500 сўм, С. Мелибоевда 465 сўм пулнинг ўрни йўқ эди. Текширувчилар «Пуллар қаерга кетди?» деб сўрашганида улар «Зарурат бўлиб, ишлатиб қўювдик, узр... Энди бундай ҳол такрорланмайди», — деб ер чизиб қолишди. Олмалиқ шаҳар бозоридаги текширувда эса беш назоратчининг 4 тасида 5 сўмдан 20 сўмгача, Чирчиқ шаҳар бозорида эса беш назоратчидан 3 тасида 5 сўмдан 24 сўмгача камомад аниқланди. Чиноз тумани бозори назоратчиси С. Курбонгалиевада 144 сўм, Оққўрғон туман бозори назоратчилари В. Иргалиев ва А. Раҳмоновда ҳам ошиқча пул борлиги маълум бўлди.

Ажабланарлиси шундаки, текширувчилар бир марталик йиғимни назорат қилган кунларида тушумнинг анча кўтарилганлиги сезилди. Зангиота туманидаги Назарбек мол бозорида 3 март куни йиғим 12 минг 315 сўмни ташкил этган. Бу аввалги якшанбадагига нисбатан 4465 сўм кўп эди. Бекобод шаҳар бозорида 2 март кунидаги тушум 15 минг 239 сўм бўлиб, бу олдинги шанбадагига нисбатан 6152 сўмга, 3 март кундаги тушум 15 минг 385 сўм бўлиб, аввалги якшанбадан 3596 сўмга ортиқ эканлиги кузатилди. Шунингдек, Чирчиқ шаҳар бозорида 2145 сўмга, Паркент туманида 1300 сўмга, Оҳангарон шаҳрида 1438 сўмга йиғимлар ошиқча бўлди. Хўш, бундай «кўтарилиш»ларни қандай изоҳлаш мумкин?

Текширув кунлари ҳамон тегишли ҳужжат олмай бирни ўнга пуллаётган, бозорга янги келган деҳқонларни «чўмичда қоқаётган» чайқовчилар ҳам аниқланди. Масалан, Чиноз тумани «Гулзоробод» хўжалигида истиқомат қилувчи А. Аъзамов 200 килограмм, Чиноз шаҳар Исломов кўчаси 18-уйда яшовчи Ч. Ибрагимова 50 килограмм гуручни ҳеч қандай ҳужжатларсиз сотаётганларида тузоққа илиндилар. Шунингдек, Чиноз тумани бозорида сохта тадбиркорлар ҳужжатлари бўлмаганлиги сабабли 17 минг 127 сўмлик 448 килограмм балиқ маҳсулотларини ташлаб кетишга мажбур бўлдилар. Оҳангарон шаҳар бозорида Г. Иноятова ва Х. Ўрозбоев деган кимсалар эса деҳқонлардан арзон-гаровга олинган картошкаларни сотаётганларида фош этилди. И. Тошматов эса спиртли ичимликлар билан бирга ўсимлик мойини ноқонуний, тегишли ҳужжатларсиз сотаётганида қўлга тушди. Ангрен шаҳар бозорида Абдувохид ва Абдулҳай Ҳамроқуловлар 401 килограмм гўштни ўз ихтиёрлари билан пуллаётганларида текширувга йўликдилар.

Шу ерда кишини бир нарса ташвишлантиради. Ахир юқоридаги кимсалар қонуний ҳужжатлар олиб, тадбиркорлик билан шуғулланишлари мумкин-ку, ахир!..

Бозорларимизда тегишли тартиб ва интизом ўрнатиш мақсадида бундан кейин ҳам, шубҳасиз, қонуний чоралар кўрилади, текширувлар бўлади. Бу чора-тадбирлардан ягона ният — бозорларимиздаги қадимий эзгу анъаналаримизни тиклаш, бозорларнинг ҳақиқий эгаси бўлмиш деҳқонларга зарур шарт-шароитлар яратиб бериш, қолаверса, бу бозорларнинг халқимизга рисоладагидек хизмат кўрсатувчи масканга айлантиришдан иборатдир.

РЕЙД ГУРУҲИ

ҲАМ КЎРГАЗМА, ҲАМ КОНЦЕРТ

Ўтган якшанба куни Ўзбекистон давлат санъат музейида сехрли най наволари янгради: бу ерда немис ва итальян халқининг 15-18 асрга оид мусиқаси намуналаридан тузилган концерт бўлди. Уни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, профессор Аркадий Малкеев бошчилигидаги қадимий куйларни ижро этувчи «Сехрли най» дастаси намойиш этди.

Бу ғаройиб концерт республикамизда немис халқининг 16 асрда яшаб ўтган машҳур мусаввири Альбрехт Дюрер асарлари кўргазмасининг очилиши муносабати билан уюштирилди.

Концертда пойтахтимиз меҳмони — француз санъаткори Лоик Депре Ле Гоаран иштирок этди.

А. ОТАЕВА, ЎзА мухбири.

СПОРТСПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**

ЎЙИНГОҲЛАРДАГИ БЕЛЛАШУВЛАР

НАВРЎЗИ айём кунлари пойтахт вилояти ўйингоҳларида ўтказилаётган умумхалқ сайилларида спортчилар ҳам ўз чиқишлари билан кўнгилларни хушнуд этишга ҳаракат қилишмоқда. Тўрт кун давомида турли ўйингоҳларда мамлакат олий ва биринчи табақа иштирокчилари ўртасида футбол турнири бўлиб ўтди. Унда Юқоричирчиқ туманининг «Дўстлик» (собиқ «Политотдел»), Чирчиқнинг «Кимёгар», Бўстонлиқнинг «Ғазалкент», Қибрайнинг «Рохат» (собиқ «Маданият»), Бўканинг «Ўзтурккаммаш» ҳамда Бекободнинг «Металлург» жамоалари ўзаро бахслашдилар. Аввалига олти команда икки гурухда куч синашди. Гурухлардаги ўйинлар ҳам томошабинлар эътиборини жалб этди. Негаки, улар якинлашиб келаётган мамлакат чемпионатига ўз жамоалари қандай тараддуд кўришаётганини билиб олишга ҳаракат қилишди. «Дўстлик» футболчилари «Ғазалкент»ни 5:0, Бекободнинг «Металлург» жамоаси «Ўзтурккаммаш» футболчиларини 2:1 ҳисобида енгишган бўлса, «Кимёгар» — «Ғазалкент» бахсида ҳисоб очилмади. Биринчи гурухда «Дўстлик», иккинчи гурухда «Металлург» жамоалари ғолиб чиқиб, финалда ўзаро учрашдилар. Асосий ва қўшимча вақтда ғолиб аниқланмади. Ҳисоб 1:1. Ун бир метрлик жарима тўплари тепишда «Дўстлик» футболчилари устун келиб, соврин эгаси бўлдилар.

***

Бу йилги мавсум кечикаётганлигига қарамай олий табақанинг барча иштирокчилари тез-тез майдонга чиқиб туришибди. Улар синов учрашувларида кучларини синаб кўришмоқда. Жумладан, вилоятимиз вакиллари «Дўстлик» ҳам бир нечта учрашув ўтказди. Футболчиларимизнинг «Звезда» (Иркутск) жамоаси билан бўлиб ўтган ўйини ниҳоятда қизиқарли бўлди. Ҳисоб 1:1. «Горняк» командаси билан бўлган ўйин ҳам кескин ўтди. Қишлоқ футболчилари устунлик қилсалар-да, имкониятдан фойдалана олмадилар. Ҳисоб 0:0. Бухоронинг «Нурафшон» жамоаси билан бўлган бахсда 0:2 ҳисобида ён беришга мажбур бўлишди.

СПАРТАКИАДА БАҲСЛАРИ ҚИЗИМОҚДА

Республика спартакиадаси дастури асосида ўтказилаётган мусобақалар бирин-кетин поёнига етмоқда. Волейбол ва баскетбол бўйича мусобақалар бўлиб ўтди. Волейбол турида Навоий терма командасининг ғалабаси кўпчилик учун кутилмаган ҳол бўлди. Финалда ғалабани бой бериб қўйган тошкентликлар иккинчи ўрин билан кифояландилар. Аёллар бахсида эса тошкентликларга тенг рақиб топилмади.

Чирчиқда бўлиб ўтган баскетболчи аёллар мусобақаси Тошкент шаҳри жамоасининг ғалабаси билан якунланди.

Ҳар тўғрида

ТАДБИРКОРЛАРНИ ТАШВИШГА СОЛМОҚДА

● ФИНЛЯНДИЯ ишбилармон фирмалари вакиллари гуруҳи кутилмаган баёнот билан чиқди. Тадбиркорлар сайёрамиз атмосферасининг азон қатлами хавфли даражада бузилаётганлиги ва олимларнинг уни олдини олиш ҳақидаги илтимосларига ҳукумат тамомила бефарқ қараётганлигига жамоатчилик эътиборини жалб қилмоқдалар.

Етакчи тадбиркорлар, олимлар ердаги барча мавжудотни ультрабинафша нурларининг ҳалокатли таъсиридан ҳимоя қилувчи атмосфера бу қатламининг юпқалашаётганлиги ҳаёт учун хавфли бўлиши мумкинлигини қатъий гапирмоқдалар. Айни вақтда «парник самараси» ҳам кучаймоқда.

Бу ҳолат курраи заминда ҳароратнинг ортишига олиб келади. Сайёрамизнинг қизиши оқибатида бир жойда сув тошқинлари содир бўлмоқда, бошқа жойларда қурғоқчилик юзага келмоқда, ниҳоятда кучли довуллар ҳаммаёқни хонавайрон қилмоқда. Тадбиркорларнинг ташаббускор гуруҳи экологик жиҳатдан зарарли бўлган ишлаб чиқаришларни тўла қайта қуриш ва иқтисодиётнинг бутун-бутун тармоқлари йўналишини ўзгартириш учун қонуний ечимларни топишда олимлар билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканлигини изҳор қилмоқда.

САЖДА ҚИЛАЙЛИК

● ТИББИЁТ уддасидан чиқмаса, бемор яратувчининг ўзига сажда қилиш билан даволаниши мумкин. Бу оддий ҳақиқатни миллиардлаб инсонлар ўз тарихларида синаб кўрганлар ва унга ишонч ҳосил килганлар.

Гарвард университетининг профессори Герберт Бенсон уни илмий томондан ҳам асослади. Мунтазам сажда қилиш нафас олишнинг тебранишини камайтиради ҳамда бош миянинг тўлқинли тебранишларини меёрга келтиради. Бу тананинг ўзини ўзи даволаш жараёнига ёрдам беради. Бенсоннинг қузатишларига қараганда диндорлар бошқа кишиларга нисбатан шифокорларга 36 фоиз кам мурожаат қилар эканлар.

124 ЁШЛИ РАҚҚОСА

● КУРРАИ заминдаги энг кекса раққоса Бразилияда яшар экан. Бу ҳар йили Бразилияда ўтказиладиган анъанавий карнавалларнинг бирида маълум бўлди.

124 ёшли Мария ду Кармо Иеронимо самбо рақсини маромига етказиб жозибали ижро этиб кўпчиликнинг олқишига сазовор бўлди. Мария ўтмишда қул бўлган экан.

Франциялик бошқа бир аёл Жанна Кальма ундан уч ёш кичкина бўлиб чиқди. Яқинда у 121 баҳорни кўрган эди. У ўзининг шу ёшига бағишлаб «Вақт ясаб» компакт-диск чиқарди. Унда узоқ умри давомида хотирасида қолган эсдаликлар ва ҳангомаларни тўплади. Бу аёл дискни сотишдан тушган маблағни жаҳон бўйлаб саёҳат қилиш учун сарфлашни мўлжаллаб қўйипти.

ФИНЧА «ОҚ РАҚС»

● ФИНЛЯНДИЯ газламафурушларининг ҳамёнини бир неча бор қаппайтиришга олиб келадиган бундай сана ҳар тўрт йилда бир марта келади. Февраль ойи 29 кунлик бўлган йилда газламалар савдоси ниҳоятда авжга чиқади.

Бунинг сабаби бор албатта. Фин халқининг қадимги одатига кўра ҳар қандай қиз ёки эрга тегмаган аёлнинг ўзи эркакка ўз қалбини очиши мумкин.Бунинг устига аёллар ягона бир эркакни эмас, балки бир неча эркакни турмуш қуриш учун танлай олади. Унинг сони чекланмаган. Агар эркак киши аёлнинг истагини рад этса бир юбка тиктиришга етадиган газлама беришга мажбур.

Бу анъанадан четга чиқиб бўлмайди. Танлайдиган томон ўзи «танлаган» эркакларнинг ҳамёнини тўғри мўлжаллаши керак. Шундай бўлса аёлларнинг кийимлари сезиларли даражада янгиланади. Айтишларича шу куни турмуш ўртоғи бўлган аёлларнинг уларга ҳаваслари келар экан. Албатта, турмуш қурмаган хотин-қизлар эркакларнинг битта-яримтаси «хўп» деб қолишини ҳам ҳисобга олишлари керак.

ЭЪЛОНЛАР

AKZO NOBEL
sikkens
АВТОЭМАЛЬ
Бутун дунёга машҳур лок ва бўёқлари
ГОЛЛАНДИЯДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН
БЎЁҚЛАРИ
Чет эл ва мамлакатда ишлаб чиқарилган автомобиллар учун барча рангдаги ва тусдаги юксак даражада сифатли автомобиль
БЎЁҚЛАРИНИНГ САРАЛАНГАН МАЖМУИ СОТИЛАДИ.
Шунингдек шпатлевка ва грунтовкаларнинг турли-туман хиллари
ЭНГ АРЗОН НАРХЛАРДА СОТИЛАДИ.
Дўкон манзили: Тошкент ш., Сеперлар кўчаси, Жойбозор бозори ёнидаги сайёр расталари.
©«Tashkent-Time's»

Тошкент шаҳридаги В. И. Пацаев номли 63-ўрта мактаб томонидан 1994-1995 ўқув йилида **Абдуғани Абдувоҳидович АШУРАЛИЕВГА** берилган АО № 010835 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент Давлат аграр университети ректорати ва жамоат ташкилотлари «Тупроқшунослик» кафедрасининг доценти **Комилжон Маннонович СУЛТОНОВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOŞKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48 Эълонлар: 33-99-15, 36-57-27.

● Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.
● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0125. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Адади 11760 нусха.

"Шарқ" нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20.30. Босишга топширилди – 19.00. 1 2 3 4 5 6